



«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!»

VATAN – MUQADDAS, UNI HIMOYA QILISH SHARAFLI BURCHDIR!



www.mv-vatanparvar.uz



vatanparvar09@mail.ru



Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган

VATANPARVAR



Сайтимизга ўтиш
учун QR-кодини
сканер қилинг.



2021 йил 9 июль, №27 (2934)



УШБУ СОНДА

Мудофаа вазирлиги тизимига оид сўнги янгиликлар билан қуйидаги манзиллар орқали танишинг:



t.me/mv_vatanparvar_uz
t.me/mudofaa_press



facebook.com/UzArmiya



instagram.com/uzbekistanarmy



www.youtube.com/c/UzArmiya

Ўзбекистонда Марказий ва Жанубий Осиёнинг минтақавий боғлиқлиги бўйича халқаро конференция ўтказилиши тўғрисида


Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан 2021 йил 15-16 июль кунлари Тошкент шаҳрида «Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар» мавзусидаги халқаро конференция бўлиб ўтади.

Форумнинг асосий мақсади Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари ўртасидаги тарихан яқин ва дўстона алоқаларни, ишонч ва яхши қўшничиликни икки минтақа халқлари ва мамлакатлари манфаатлари йўлида мустақамлашдан иборат.

Конференция ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Афғонистон Ислон Республикаси Президенти, Покистон Ислон Республикаси Бош вазири, Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари, бошқа хорижий давлатларнинг

ташқи ишлар вазирлари ва юқори даражадаги вакиллари, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, глобал молиявий институт ва компаниялар, етакчи илмий-тадқиқот ва таҳлилий марказларнинг раҳбарлари иштирок этиши режалаштирилган.

Форум иштирокчилари ялпи ва шуъба мажлисларда минтақавий боғлиқликни янада мустақамлаш доирасида савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникацион ва маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган та-



шавбусларни илгари суриш имкониятларини муҳокама қиладилар.

Кун тартибидан савдо, инвестициялар, транспорт, энергетика ва инновациялар, «яшил» технологиялар соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш, кооперация бўйича аниқ лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш, туризм, таълим,

соғлиқни сақлаш, фан ва маданият соҳаларида шерикликни кенгайтириш, икки минтақа барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш юзасидан батафсил фикр алмашиш ва биргаликда таклифлар ишлаб чиқиш ўрин олган.

ЎЗА

Марказий Осиё ва Афғонистон ўртасидаги устувор йўналишлар

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Превентив дипломатия маркази ташаббуси билан Ўзбекистон, Афғонистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Тожикистон ташқи ишлар вазирларининг виртуал форматдаги музокаралари бўлиб ўтди.

Учрашувда Марказий Осиё ва Афғонистон ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларни янада ривожлантириш ҳамда кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Халқаро терроризм таҳдидларига қарши биргаликда курашиш, Марказий Осиё давлатлари томонидан ушбу йўналишда амалий саъй-ҳаракатларни ишлаб чиқиш муҳимлигига ҳам эътибор қаратилди.

Таъкидланишича, Афғонистоннинг минтақавий интеграция жараёнларига кенг жалб қилиниши мамлакатда барқарор ва узоқ муддатли тинчлик қарор топишига ёрдам беради.

Видеоконференцияда афғон инқирозини тинч йўл билан ҳал этиш, мамлакат иқтисодиётини тиклаш ҳамда сиёсий жараёнларни ривожлантиришда афғон халқининг етакчилик роли тамойилини ҳурмат қилиш бўйича минтақавий вазибаларни белгилаб олиш зарурлиги қайд этилди.

Шунингдек, 15-16 июль кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган «Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар» мавзусидаги халқаро конференциянинг аҳамияти ҳақида алоҳида сўз юритилди.

Минтақа давлатлари кўмаги билан Афғонистон ҳудудида энергетика, транспорт-коммуникация соҳаларида турли инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Учрашув давомида Афғонистонга кўмаклашиш, жумладан, пандемия даврида инсонпарварлик ёрдамини кўрсатишнинг устувор йўналишлари бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

ЎЗА

ВАКЦИНАЦИЯ — ДАВР ТАЛАБИ

Ҳаёт – нақадар гўзал ва жозибадор тушунча. Ҳаётда яшаш, унинг барча неъматларидан баҳраманд бўлиш, саодатли онларини ажиб хотираларга боғлаш нақадар улуғ бахт.

Ёши улуғ кексаларимиз қўлларини дуога очганда, Парвардигордан тинчлик-омонлик, бахт-саодат билан бирга, албатта, мустақам соғлиқ сўрайдилар. Дарҳақиқат, ҳаётни бекаму кўст яшаб ўтиш учун инсонга, аввало, сиҳат-саломатлик зарур. Саломатликнинг мустақам бўлиши эса ҳар бир инсоннинг ўз кўлида.

Мен ҳам бу дунёнинг бахту саодатини тўлақонли англашни истаган инсонлардан бириман. Барча одамзод қатори эрта тонгда эзгу ниятлар билан уйғонаман ва ўзимнинг бахту саодатимга юзланиб яшайман. Ўтган йили юртимиз бўйлаб машъум коронавирус инфекцияси тарқалганда, кўплаб ҳамюртларимиз оғир касаллик гирдобига тушиб азоб чекди, яна кўплаб қадрдонларимиз касаллик туфайли ҳаётдан бевақт кўз юмди. Афсуски, вафот этган қариндошларимиз, дўсту биродарларимизни энди қайтаролмаймиз. Эндиликда қўлимиздан келадиган ягона нарса – эҳтиёт чораларини кўриб, ўзимиз ва яқинларимизни касалликдан ҳимоя қилишдир.

Доимо эртанги кунимнинг саломатлиги ва барқарорлигини таъминлашга ҳаракат қиламан. Негаки, оилам бор, қадрдон дўстларим ёнимда, жондан ортиқ севган касбу ҳунарим ҳаётимга мазмун беради. Эртанги кун учун тузган орзу-ниятларим бисёр. Менга умид кўзи билан қараб турган одамларни айтмай-

сизми? Уларни ноумид қилишим нотўғри бўлади, ахир! Эртага юз берадиган улкан даражадаги муваффақиятларимга эсон-омон етиш ҳамда ҳаёт аталмиш бахту саодатимни қўлдан бой бермаслик учун мен қарор қабул қилдим – Covid-19 инфекциясига қарши вакцина олдим. Бу ишни ўз хоҳиш-иродам ва ҳаётини позициямга кўра амалга оширдим.

Бугунги кунга келиб, замон тараққий этди. Қадимда одамзод турмушига таҳдид солган вабо, ичтерлама, қизамиқ сингари хавфли касалликларнинг олдини олиш учун биз айнан вакцинага мурожаат этганмиз. Ёки бўлмаса, эбола, чўчка ва парранда гриппи сингари даҳшатли вирусларни жиловлашда ҳам вакцина асосий қурол вазифасини ўтади. Covid-19 инфекциясига қарши яратилган вакцина бугунги кунда инсониятнинг қалбида ўзига хос ҳадик уйғотаётгани табиий, албатта. Негаки, номаълум нарса ҳар биримизнинг қалбимизда номаълум туйғуларни уйғотади.

Дарҳақиқат, вакцинация жараёнининг барқарор ўтиши учун аҳолига вакцина ҳақида ҳар томонлама етарли маълумот бериш зарур. Фақат шу йўл билангина аҳоли ўртасида кучли жамоавий иммунитетни ҳосил қилишга эришиш мумкин бўлади. Ўзимнинг ҳаётини позициям ва эртанги кунга бўлган кучли ишончим боис, Covid-19 инфекциясидан холи бўлган соғлом ва барқарор ҳаётни танладим. Сизни ҳам шунга қақираман! Covid-19 инфекциясига қарши эмлашда фаол бўлинг!

Ойдин АБДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,
«Адолат» СДП фракцияси аъзоси
(ЎЗА)

Саломатлик

МАРД ЎҒЛОН

ЮТУҚЛАР ҲОСИЛАСИ

Абдурашидов Бобур Камолович Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирланди. У яқиндагина Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртини тамомлади, Марказий ҳарбий округда жойлашган ҳарбий қисмлардан бирида офицерлик фаолиятини бошлаш арафасида.



гига аъзо мамлакатлар олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари ўртасида математика фанидан ўтказилган IV халқаро олимпиадада умумжамоа ҳисобида 3-ўринни қўлга киритган. 2020 йили айна шу олимпиадада шахсий биринчилик бўйича ғолибликка сазовор бўлган. 2018 йили ибратли интилишлари ва натижалари учун Мудофаа вазирлигининг III даражали «Намунали хизмати учун» кўкрак нишони билан тақдирланган. Жорий йилда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ўртасида математика фанидан ўтказилган VI халқаро курсантлар олимпиадасида 2-ўринни эгаллашга муваффақ бўлган.

сиз қўнғироқлар бўляпти. Эшитган, таниган-билган борки, қўлашга ошиқади. Ҳақиқатан ҳам ҳар қанча хурсандчилик қилишга арзийди. Эртага ҳаммасини битта қилиб, элга ош беряпмиз. Сизлар ҳам келинглр, – дейди чироқчилик Камол муаллим.



Билим юрти бошлигининг ўринбосари подполковник Бахтиёр Пардаев курсант Бобур Абдурашидовнинг ибрати, улуғ саркардамизнинг исмига монандлигини, ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамолликка интилиши, ютуқлари ҳақида тўлқинланиб гапирди.

Бобур 2018 йили Мудофаа вазирлиги олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари ўртасида олий математика фанидан ўтказилган олимпиаданинг II босқичида шахсий биринчиликни эгаллаган. Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстли-



Лейтенант Бобур Абдурашидовнинг ютуқлари боисини олий ҳарбий таълим муассасасида таълим-тарбия жараёнининг тўғри ташкил қилинганига, Камол муаллим

оиласидаги муҳитнинг яхшилиги ҳосиласига йўйдик. – Телефо-

Аслида ҳам ота-онанинг бахти – фарзандларининг муваффақиятида, ўзларидан ҳам кўпроқ қувонади. Камол муаллим ўтган йили Қарши давлат университетининг махсус сиртқи бўлимини тамомлаб, олий маълумотли бўлибди. Турмуш ўртоғи Замира Хуррамова жорий йилда ушбу университетнинг 2-курсини битирибди. Кенжа ўғли Асилбек ҳам Тошкент давлат техника университетининг талабаси экан. Бобур Абдурашидов ҳам илмга жон-жаҳди билан интилган ушбу хонадон фарзанди.

– Олий ҳарбий таълим муассасасини имтиёзли диплом билан тугалладим. Лейтенантлик ҳарбий унвонининг ўзи, ёруғ юз билан шу кунларга етиш мен учун катта хурсандчилик эди. Завқу шавққа тўлиб, уйга отланиб турганимда давлат мукофоти берилганидан хабар

топдим. Мудофаа вазирлигидан икки киши «Мард ўғлон»га лойиқ топилибмиз. Бош вазир топширди. Ота-онамга таассуротларимни айтиб, адо қилолмадим. Уйга келганимда, онам мени қучоқлаб, роса йиғлади. Барча ота-оналарга ана шундай қувонч кўзёшлари насиб қилсин, – дейди у.

Бобур давлатимизнинг юксак эътибори унинг ўзига бўлган ишончини чандон оширганини, меҳнатлар қуруқ қолмаслигини, бу тақдирлаш унга келажакдаги фаолияти учун жуда катта рағбат берганини айтди. Энди унга нафақат оиласи, балки бутун қишлоқ, она юрт кўз тикканини ҳис қилаётганини, мукофот зиммасидаги масъулиятини янада ошириб, Ватан ҳимоясига камарбасталигини мустаҳкамлаганини қайта-қайта таъкидлади.

Капитан Азиз НОРҚУЛОВ,
«Vatanparvar»

МАРДИ МАЙДОНЛАР

Она юрт сарҳадини ёвуз ёғийлардан кўриқлаш нечоғли мураккаблиги Ватан ҳимоячилари билан ёнма-ён юрганда яққол билинади. Эр йигитлар манглайдан оққан тер бунга исбот (*сарлавҳа шунга бағишлангани ҳам бежиз эмас*). Уларнинг ору ғурури ўзидан баланд, ўзидай келбатли.

ТЕР,

ТЕР,



Мудофаа вазирлигининг Шарқий ҳарбий округ «Ғурумсарой» ҳамда Тошкент ҳарбий округининг «Ангрен» дала-ўқув майдонларида бўлиб ўтган махсус-тактик ўқув машғулоти юртимиз тупроғига бирор ёв йўлмаслигини амалда кўрсатди. Унда вертолёт авиацияси ёрдамида бўлинмаларнинг жипсликдаги ҳаракатлари, мураккаб вазиятларда кескин қарор қабул қилиш кўникмалари синовдан ўтказилди.

Сиз ҳозир суратларимизда махсус-тактик ўқув машғулотидеги ўнлаб эпизодлардан бир нечасини кўриб турибсиз. Уч босқичда ташкил этилган мазкур ўқувда дастлаб бўлинмалар бевосита узоқ масофага марш юриш, ҳаракат давомида зарарланган ҳудуд ва шартли душман пистирмасидан таллафотсиз ўтиш, учувчисиз учиш аппаратларидан ҳимояланиш шартларидан муваффақиятли ўтди. Шунингдек, душман ортига гуруҳларни десантлаштириш, разведка ва махсус тадбирларни олиб бориш, қидирув-қутқарув ҳамда бўлинмаларни жанговар қўллаш ҳудудидан эвакуация қилиш шартларини амалда бажарди.

Ҳеч қандай хавф ҳарбий хизматчиларнинг кўнглига қўрқув сола олмайди. Чунки улар жанговар ўқув машғулотида маҳорат, матонат ва иродасини тоблаган. Об-ҳавонинг ҳар қандай шароитида, исталган вақтда душман хатарини енгиб

ўтишга қодир. Ватан чорлови эр йигит учун ғурур, орият ўртага қўйилган онт сингари муқаддас. Ватан, деса, дунёларни жунбишга келтирар шашти, шахти бор. Унга бундан-да, ортиқроқ шараф йўқ.

Ушбу ўқув бизнинг машғулотидаги дастлабки иштирокимиз эмас. Аммо бу галгиси одатдагидан бўлакча эди.

Соат тунги 2:18. Кўпчилик мириқиб ором олаётган бу пайтда жасур ўғлонлар полигонда ўрнатилган палаткаларда навбат алмашиб, тоғу тош, қамишзору тўқай-

зорлар, қўйингки, душман қадам олиши мумкин бўлган барча пана-пастқамларда сарҳадларни кўриқлаб, тун бўйи сергак турибди. Ҳушёрлик ва жанговар шайликни йўқотмаслик уларнинг бирламчи муроди. Ғаним бўй кўрсатдим, ер билан яксон этади. Улар яхши билади, борди-ю, душман юрт ичкарасига кирса, унинг меҳрибон онаси, мушфиқ опа-синглиси, рафиқаси, қўйингки, юртдошларининг ҳаёти хавф остида қолади, тинчи бузилади. Шу боис бу норғул йигитлар юрт тинчлиги ва ҳимояси йўлида бутун умри, керак бўлса, жонини тиккан. Айти пайтда оиласи бағрида хотиржам ухлаётганлар бир кунини ана шу заҳматда ўтказа олармикан?! Шундай шароитда





катлар театри юрт ҳимоячиларидан ўз устида тинимсиз изланиш, соҳани мукаммал ўзлаштиришни талаб этади. Шарқий ҳамда Тошкент ҳарбий округлари қўшинларига қарашли бўлинмалар томонидан машғулотнинг ҳар бир босқичида жанг олиб боришнинг янги усул ва услубларидан кенг фойдаланилди. Замонавий ахборот тизими қўлланган тактик ўқув давомида гуруҳларга бўлинган ҳарбий хизматчилар томонидан шартли душманни қуршовга олиш ва йўқ қилишга қаратилган машқлар бажарилди. Бевосита қуршовга олинган душманга қарши авиация зарбалари берилди.

Кейинги йилларда жанговар ўқув машғулотларини ўтказиш сифат жиҳатидан тубдан ўзгарди. Масалан, амалиётларда ўқ сарфи ва жанговар техникалардан фойдаланиш ҳажми ортди. Мазкур тактик ўқувда ҳам пулемёт, миномёт, гранатомёт каби қуроллар кенг қўлланилди. Гуруҳ қуролларидан шартли душман тирик кучлари ўққа тутилди.

Тўрт кун давом этган махсус-тактик ўқуви алп ўғлонларга нафақат янги билим ва кўникмалар берди, балки ўзаро тажриба алмашиш имкониятини яратди.

Кези келганда, айтиш жоизки, улар билан ёнма-ён, ҳамроҳ юрган ҳарбий журналистларнинг маҳорати ҳам шу каби жанговар ўқув машғулотларида, дала-ўқув майдонларида бўй кўрсатади. Полигоннинг чанг-ғубори, тоғу тошлари қадрдонингга айланади. Ватан ҳимоячилари билан бир сафда юриб, ҳарбийлар сингари юрт тинчлиги, осудалигини росмана ҳис этасан. Шартли бўлса-да, таҳдидлар театри, ўқларзасидан тоғларнинг титроғини юракдан ўтказасан.

Дарвоқе, тер. Йигит юзидаги тафт қуёш нурига нечоғли омухталашса, пешона тери саратон офтобининг заррин зиёсида шунчалик ёрқин ялтिलाди. Ўзбекнинг том маънода пешонаси ялтираган, мард, асл фарзандлари шундай бўлади! Машғулотнинг якуний натижаси адоқсиз терлардан англашилади гўё.

**Лейтенант
Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
«Vatanparvar»**

ТЕР



чидами, сабру тоқати дош берармикан?!

Навбат алмашганлар эса чаён, қорақурт сингари захарли газандалар чақишидан ўзини ҳимоя қилиш учун ётоқ жойи атрофига керосин ёки бирор ёнилгини айлантириб сеппиб қўяди. Аслида душман ҳужуми олдида бундай хавф чикора. Аммо бу азбаройи ўз ҳузур-ҳаловати учун эмас, балки унинг захридан жонига бехос зарар етса, душманга қарши чалажон, яримжон ҳолда курашмаслик юзасидан ўйланган чорадир. Шундай фидойилик, ватанпарварликни қалбан ҳис этиб, кўзларинг билан кўргач, қароғингга уйқу келармиди?! Филҳақиқат, бу ўй ичра кўзга сира уйқу инмайди. Бу безовталиқ бизни ётоқхонага кирмай, унинг шундоққина ёнидаги бўлинмалар учун мўл-

жалланган руҳий тўсиқлар йўлаги синовларидан ўтишга ундади. Қоқ тун ярмида дастлабки меъёрларни бажаришга тиришамиз. Ҳар ҳолда, тун пардаси тўсиқлардан чираниб, ўта олмай қолганимиз, ўтсак ҳам ҳаллослаб йўл қўйган хатоларимизни атрофга, ўзимиздан ўзгасига кўрсатмайди. Хулоса шу бўлдики, ҳар қанча тайёргарлик кўрмайлик, ушбу тўсиқлар йўлагидан бўлинма ўғлонларидек жуда қисқа муддатда муттасил, аниқ ва бекаму кўст ўтишни уддалашимиз маҳол экан. Шу алфозда ётоқхонага қайтиб, тагин ухлай олмай, сиз ўқиётган шу сўзлар қаламдан қоғозга тўкилди. Қарабсизки, тонг. Яна машғулотларни кадрга муҳрлаш, ёритиш учун тадорик фурсати етади...

Дунё ва минтақада тез ўзгараётган таҳликали вазият, ҳарбий ҳара-



ТРИАТЛОН



ИЛК ИШТИРОКДА ФАХРЛИ НАТИЖА



Халқаро ҳарбий спорт кенгашининг (CISM) спорт мусобақалари режасига кўра, Испаниянинг Лансароте шаҳрида «Триатлон» бўйича ҳарбий хизматчилар ўртасида XXII жаҳон чемпионати ўтказилди.


Триатлон бу – очик денгизда сузиш, велосипедда узоқ масофага ҳаракатланиш ва югуришни ўзида мужассамлаштирган спорт тури. Мусобақа ҳар 4 йилда ўтказилади. Жорий йилда дунёнинг 14 мамлакатидан номдор триатлончилар ғолиблик учун кураш олиб боришди. Иштирокчилар 3,8 км.га сузиш, 180,2 км масофани велосипедда босиб ўтиш ҳамда 42,2 км.га югуриш каби шартларни бажардилар.

Эътибор қилган бўлсангиз, бу рақамлар айтишгагина осон, аммо ҳар бир босқичдан муваффақиятли ўтишнинг ўзи катта бир ғалаба. Бунинг учун спортчилар нафақат жисмоний, балки психологик тайёргарликни ҳам ўтайдилар. Вакилларимиз ҳам Триатлон федерацияси ҳамда Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш марказининг тажрибали мурабийлари кўмагида мусобақага жиддий тайёргарлик кўриб, юксак ишонч ва эътиборга муносиб жавоб қайтаришди.

Ўта мураккаб спорт тури ҳисобланган мазкур беллашувда минглаб халқаро тоифадаги спортчилар ўзларини синаб кўрдилар. Илк бор иштирок этаётган бўлса-да, вакилларимиз чидам ва бардош намунасини кўрсатиб, Испания, Франция, Германия, Бельгия, Венгрия каби мамлакатларнинг спортчиларини ортда қолдирди. Дониёрхўжа Ҳамроев, Андрей Шарипов ва Алина Ҳаки-



Муаллиф суратга олган



мовадан иборат вакилларимиз умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади. Таъкидлаш керакки, ушбу нуфузли мусобақада Осиё минтақасидан фақат Ўзбекистон терма жамоаси иштирок этди.

Юртдошимиз контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Алина Ҳакимова барча иштирокчилар орасида шахсий биринчиликда иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, 18-24 ёшгача бўлган спортчилар орасида мутлақ ғолибликка сазовор бўлди. У октябрь ойида Кона шаҳрида (Гавайи, АҚШ) бўлиб ўтадиган триатлон бўйича жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини берувчи лицензияга ҳам эга бўлди.

Нуфузли мусобақада юксак натижа кўрсатган вакилларимиз Ислон Каримов номидаги Тошкент

ҳалқаро аэропортида ҳарбий оркестр садолари остида тантанали кутиб олинди. Спорт мутасаддилари, ҳарбий хизматчилар, ғолибларнинг яқинлари ва кўнгилли ёшлар миннатдорлик рамзи сифатида ўз совғаларини тақдим қилдилар. Бу каби ғалабалар аҳоли орасида спортнинг оммалашуви, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишнинг амалий намунаси.

Ҳусниябону Жўраева



АХЛОҚИЙ-РУҲИЙ ТАЪМИНОТ

ҲУШЁРЛИК ВА СЕРГАКЛИК

Дунёда ва минтақада юзага келган мураккаб ва зиддиятли вазиятда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари шахсий таркиби фаолиятининг ахлоқий-руҳий таъминоти қўшинларнинг жанговар шайлиги ва қобилиятини етарли даражада сақлаб турувчи энг муҳим омил бўлиб қолмоқда. Турли даврларда бўлиб ўтган урушлар тарихи жанг натижасини шахсий таркиб ва техникадаги устунлик эмас, балки ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий шайлиги, уларнинг руҳий бардошлилиги ҳал этганини кўрсатади.



Бугунги кунда Қуролли Кучларда олиб борилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири шахсий таркибнинг кайфиятини ошириш, ҳарбий жамоаларда соғлом ахлоқий муҳит, юксак руҳий бардошлилик, юқори жанговар шайлиқни таъминлашдан иборат. Шунингдек,

мураккаб шароитларда муваффақиятли жанговар ҳаракатлар олиб бориш учун зарур бўлган бошқа сифатларни шакллантиришнинг ягона ва узлуксиз тизимини ифода этувчи ахлоқий-руҳий таъминотни такомиллаштиришдир.

Шахсий таркибни жанговар вазифаларга ахлоқий-руҳий тайёрлаш мақсадида ҳарбий қисмларда ўтказилаётган машғулотлар жараёнида ахлоқий-руҳий таъминот йўналишида стационар руҳий барқарорликни таъминлаш хоналари ва руҳий чидамликни шакллантириш жойлари ҳамда дала шароитидаги психологик реабилитация мобил пунктларидан фойдаланилапти. Мазкур тадбирларни ташкил этишда асосий эътибор улар орасида ҳушёрлик ва огоҳликни оширишга ҳамда кучайтиришга қаратилади. Ҳарбий хизматчилар ҳар томонлама соғлом ва чидамли бўлиши, ҳар қандай мураккаб жисмоний ва руҳий синовларга бардош бериши керак.



Суратлар таҳририят архивидан олинди

Буюк саркарда Амир Темур ўз қўшинининг маънавий юксалишига, ахлоқ-одобига, руҳий ҳолатига жуда катта эътибор қаратган. Жумладан, ўғитларида шундай дейилган: «Ҳақиқий ҳукмдорлар қайсики лашкарни ўзлари улўглаб кўтарган бўлсалар, тезда уни хўрлаб тубан қилмасинлар».

**Подполковник
Т. УБАЙДУЛЛАЕВ,
Мудофаа вазирлиги
Тарбиявий ва мафкуравий
ишлар бош бошқармаси**

Тарбия

Маънавий-ахлоқий қиёфа

Бугунги кунда миллий армиямизда фаолият юритаётган ҳарбий хизматчиларнинг ҳаётий ва профессионал кўникмаларини илм-маърифат асосида қалби ва онгига сингдириш, ички ва ташқи таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашдаги тизимли муаммоларни бартараф этишда ҳамжиҳат ва ҳамкор бўлишимиз лозим.

Айни дамда мудофаа соҳасидаги асосий вазифаларни амалга ошириш бўйича турли йўналишларда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Мазкур вазифаларни бажариш учун эса барча поғонадаги ҳарбий хизматчилар, албатта, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук бўлишини таъминлаш керак.

Қўшинларда ўтказиладиган ислохотлар, албатта, халқ манфаатлари билан боғлиқ бўлиши лозим, буни доимо хотирада сақлаш керак, айниқса, маънавий-ахлоқий соҳада.

Инсон руҳи, маънавияти нимадиган азалдан одамларни қизиқтириб келган. Бу борада минглаб таърифлар мавжуд. Аммо аниқ жавоб йўқ. Бу буюк сир-синоатдир. Маънавиятнинг моҳиятини ақл-заковат билишга қодир эмас. Ўзбек адиби

Абдулла Авлоний таъкидлаганидек, «Маънавиятни бир сўз билан ифодалаб бўлмайди. У қудратли, бой ва биз учун азиздир».



Янги Ўзбекистон шароитида мамлакатимизда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, армия ва халқнинг фаол ҳамкорлиги натижасида Қуролли Кучларимиз том маънода жамиятнинг ажралмас қисмига, мамлакатимиз барқарор-

лиги ва тараққиётининг ишончли кафолатига, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг муҳим институтига айланиб бормоқда.

Армия ва халқ бирлигини таъминлашга қаратилган мутлақо янги тузилма – ҳарбий-маъмурий секторлар барча ҳудудларда самарали фаолият юритаётгани ғоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Ана шундай ислохотлар туфайли «Халқ ва армия – бир тану бир жон!» деган олийжаноб ғоя ва амалий ҳаракат барча бўғиндаги ҳокимият ва бошқарув идоралари, маҳалла, ёшлар, хотин-қизлар, нуронийлар ташкилотлари, таълим-тарбия муассасалари фаолиятини, кенг жамоатчилик ҳаётини қамраб олмоқда. Бу эса Ватан ҳимояси чиндан ҳам барчамизнинг нафақат вазиғамиз, балки шарафли бурчимизга айланиб бораётганидан далолат беради.

Халқимизнинг «Билаги зўр бирни енгади, билими зўр – мингни» деган мақолида чуқур маъно бор. Шу нуқтаи назардан, Қуролли Кучларимизни

модернизация қилиш, хусусан, ҳарбий таълим соҳасига замонавий билим, илғор хорижий тажрибалар, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича бошлаган ишларимизни янги босқичга кўтаришимиз зарур.

Айни вақтда шахсий таркиб ўртасида миллий ўзликни англаш ва жанговар руҳни, ватанпарварлик тарбиясини кучайтириш, ҳарбий хизматчиларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш доимо эътиборимиз марказида бўлиши лозим. Шу мақсадда ёш аскар ва курсантлар учун Ватанга қасамд қабул қилишдан аввал «Темур тузуклари» китоби бўйича синов ўтказиш тартиби йўлга қўйилди. Бу эса улар қалбида Ватанга садоқат, элга хурмат ва аждодларга муносиб ворис бўлиш туйғусини шакллантиради.

Хулоса қилиб айтганда, янги Ўзбекистон шароитида ҳарбий хизматчилар шахсининг маънавий-ахлоқий қиёфаси тубдан ўзгарди. Қуролли Кучлар тизими кучли ва мустаҳкам маънавий-ахлоқий фазилатларсиз юксала олмайди. Ўтган 2020 йил мамлакатимиз халқи бир қанча оғир синовларни бошдан ўтказди. Коронавирус пандемияси, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида содир бўлган техноген офатлар сўзимизнинг исботидир. Шундай қийин бир вазиятда ҳарбий хизматчиларимиз халқ билан елкама-елка туриб, бор куч-ғайратлари ва шижоатлари билан ёрдамга шошилди. Бу жараёнда ҳар бир ҳарбий хизматчи ўзининг юксак маънавий ва ахлоқий қиёфасини яққол намоён қилди.

**Полковник
Қудрат ХУДАЙБЕРГАНОВ,
Қуролли Кучлар академияси
кафедра бошлиғи, доцент.
Подполковник
Адҳам НУРУЛЛАЕВ,
кафедра катта илмий ходими**

ҚАРОР ВА ИЖРО

Мамлакатимизда ёш авлодни шакллантириш, ёшларни маънан ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларни олиб борилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантиришга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори генерал-майор Шухрат Узаковнинг ташаббуси билан жойларда ҳудудий ҳарбий прокуратуралар томонидан

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ



«Ҳарбий прокурор соврини» доирасида турли спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда.

Андижон ҳарбий прокуратураси томонидан вилоят туризм ва спорт бош бошқар-

маси ва Ўзбекистон каратэ федерацияси билан ҳамкорликда Президентимиз томонидан ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича илгари сурил-

ган бешта муҳим ташаббус ижроси доирасида спортнинг ашихара-каратэ тури бўйича ёшлар ва ўсмирлар ўртасида «Ҳарбий прокурор соврини» учун вилоят чемпионати ташкил этилди.

Тадбирда Андижон вилоятининг барча туман ва шаҳарларидан келган 100 дан ортиқ 6-18 ёшдаги спортчи қатнашиб, 4 та вазн тоифасида ўзаро беллашди. Мусобақа якуни бўйича ғолибликни қўлга киритган спортчилар медаль, диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Бу каби тадбирлар ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг жисмонан соғлом, ақлан етук, эл-юрт равнақига ярайдиган ўғил-қизлар бўлиб вояга етишларига хизмат қилади.

Адлия подполковниги Шерзод ХАЙИТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси

Малака ошириш

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида Мудофаа вазирлигининг бошқарув органи ходимлари «Бошқарув маҳорати» йўналишида малака ошириш курсини битирди.

БОШҚАРУВ МАҲОРАТИ ОШИРИЛДИ



Жами 72 соатлик машғулотларни ўз ичига олган мазкур курсда тингловчилар бошқарувни амалга ошириш, жамоанинг жипслигини

таъминлаш, замонга мос инновацион мушоҳада юритиш, тўғри қарор қабул қилиш, замонавий менежментнинг илғор услублари бўйича янги билим ва малакаларни эгаллади. Самарали педагогик технологиялар асосида ўтилган маъруза ва амалий машғулотларда жонли дебат, қизгин мунозаралар олиб борилгани курснинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришишда муҳим омил бўлди.

Ушбу курс тингловчиларига сертификатларни топшириш маросимида сўзга чиққан Мудофаа вазирлиги Кадрлар бош бошқармаси бошлиғи полковник Акмал Ортиқов ҳамда Давлат бошқаруви академияси раҳбарияти ушбу курснинг аҳамияти хусусида тўхталиб, истиқболдаги захира кадрларнинг келгусидаги фаолиятида улкан зафарлар тилади.

Д. РЎЗИҚУЛОВ



III даражали сержант Олим БЕРДИЕВ

Иқтидорли ёшлар – мамлакат келажаги

«ОТАМГА МУНОСИБ ФАРЗАНД БЎЛАМАН»

Наманган гарнизонидаги ҳарбий қисмга қарашли «Ал-Фаробий издошлари» номли ментал арифметика тўғараги очилганига эндигина бир йил бўлди. Ўтган қисқа вақт оралиғида тўгарак аъзолари юқори натижаларни қўлга киритмоқда.



Асосан ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларидан иборат ушбу тўгаракда 210 нафар бола математика сабоқларини ўрганмоқда. Яқинда пойтахтимизда ментал арифметика бўйича ўтказилган республика танловида умумжамоа ҳисобида энг юқори ўринни ҳам мана шу болалар қўлга киритди. Жумладан, мазкур мусобақада қатнашган 19 ўқувчидан 7 нафари олий, 10 нафари иккинчи ва қолган 2 нафари учинчи ўринга сазовор бўлди. Ана шундай совриндор ўқувчилардан бирини қизгин машғулоти якунида суҳбатга чорладик.

– Мен бу тўгаракда бир йилдан бери шуғулланаман, – дейди 9 яшар Жаҳонгир Эгамназаров. – Дадам майор Сирожиддин Қобулов шарафли касб эгаси. Мен катта бўлсам, дадамдек кўрқмас, Ватанимга содиқ ўғлон бўламан.

Ментал арифметика боланинг ақлий салоҳиятини ошириш, му-

раккаб масалаларни тез ва аниқ бажаришида муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ушбу тўгаракдан болажонларнинг ота-оналари ҳам хурсанд, устоз-мураббийлардан миннатдор.

– Энг кичик ўқувчимиз 5 яшар, энг каттаси эса 12 ёшда, – дейди тўгарак мураббийи Нодира Самиева. – Болажонларнинг мантикий ҳисоб-китоб ва арифметик машғулотларга иштиёқи баланд. Уларнинг барчаси тиришқоқ ва албатта, келажаги порлоқ. Қайси касб эгаси бўлмасин, шогирдларимизнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига ишонамиз. Кечани кеча, кундузни кундуз демай, Ватанимизни ҳимоя қилувчи, тинчлигимизга катта ҳисса қўшувчи ҳарбийларимиз доим соғ-омон бўлсин. Отасидек Ватан посбони бўлиш истагидаги болажонлар ниятига етсин.

Муштарий АБДУМАННОПОВА

КЕЛИНГ. КИТОБ ЎҚИЙМИЗ



«...ТАБАССУМ ҚИЛИНГ ВА СЕВИНГ»

Нимадан сўз бошлашни билмаяпман. Сарлавҳани аллақачон топиб қўйган эдим: «Хамманинг ўз Абшерони бор». Нега дейсизми? Китобдаги мана бу парча учун: «Болалик — энг мусаффо булоқдир. Ундан чанқоғингни қондирасан, кўзёшларингни ювасан, томоғинга тиқилган алам тошини эритасан ва бугунги кунингга қайтасан. Бугунги кунингдан вақтинча бўлса-да, фақат болаликка қочиб бориб яширинишинг мумкин, холос».

Назаримда бу сарлавҳа мен айтмоқчи бўлган фикрларнинг барчасини ўзида жамлагандек эди. Китобни қайта варақлаб, фикримдан воз кечдим. Китобдаги тўрт калимада — «...табассум қилинг ва севиңг» билан ҳаммаси оидинлашар экан.

Таассуротларинг тўлиб-тошганида нимадан сўз бошлашни билмай қоласан. Адиб ҳақида икки оғиз сўз айтсаммикан? Мен каби оддий бир ўқувчи адабиёт синчиларидан ўтказиб нима ҳам дея оларди?

Қаранг-а, ҳамон таассуротларим ва ўйларим билан бандман. Қайси адиб, қайси асар? Элчин Сафарли, озарбайжон адиби Элчин Сафарли!

Унинг номи ўзбек китобхонларига ҳам яхши таниш. Ёзувчига Шарқнинг қалби, дея, юксак баҳо берилган. Ва топиб берилган.

Бугун сизга адибнинг «Денгиз ҳақида сўзлаб бер менга» асарини тавсия этамиз.

Китобнинг еттинчи саҳифаси шундай бошланади: «Бир гал мен битта китобхон аёлдан мактуб олдим. У шундай ёзганди: «Болалик ҳақида хотираларингиз гоҳда идеал. Дунё бамисоли эзгуликка фарқ, ота-оналар ниҳоятда меҳрибон ва зийрак, тарбияда заррача хатога йўл қўйишмайди. Қаҳрамонларингиз ҳам ўта вазмин, оқил ва бағоят донишманд... Ахир ҳаётда бундай бўлмайди-ку!» Мен шу жойда ўқишдан тўхтадим ва ё ўзимга, ё ўша аёлга овоз чиқарганча, жавоб бердим: «Болаликда шундай бўлади».

Ҳа, айна ҳақиқат, болаликда айнан шундай бўлади!

Бу китоб тузилиши анъанавий китобларимиздан бироз фарқли. Ҳар бир ҳикояда ёки хотиралар десаммикан, бобларми... нима деб аташни билмадим, хуллас, тартиб рақамлари билан белгиланган. Тартиб рақамлари 43 да тўхтади. Кейин хотима... Ҳикоя мағзи бўлган гап (Булар оддий гаплар эмас, ҳаёт ҳикматларидир, ҳаётнинг ўзи каби гўзал, оддий, сизу бизнинг кўнгил қатларимизда яширин изҳорлар каби қадри, бебаҳо ҳикматлардир!) тартиб рақами остида битта саҳифани эгаллаган. Яна унинг иккинчи томони бўм-бўш, оппоқ.

«Ўзидан кучсизларга жанг эълон қилиш — ожизлар иши!» Бу бутун бир саҳифани эгаллаб турибди.

Ўқиймиз: «Асад бобомнинг уйини олди томони каттакон хурмозор боғ эди. Бобом болалик пайтида уни ўз отаси билан экиб чиқишган — урушдан кейинги йиллар ейишга нарсаси бўлмаган пайтлар бу боғнинг тўйимли мевалари уларни очликдан сақлаб қолган...»

Дарахтлардан сўнгги барглари учиб тушганидан сўнг чумчуқлар боғларга ёпирилишар, узилмаган хурмоларни чўқишга тушишарди. Улар похол қўриқчидан ҳам, бошқа ҳийла-найранглардан ҳам ҳайиқишмас, бобом ҳосилни сақлаб қолиш учун уларни милтиқда отишга тушарди.

Биз акам иккимиз чумчуқларни сақлаб қолиш пайида бўлардик. Бир куни Асад бобом уйкуга кетганида унинг милтиғини қудуққа ташлаб юбордик. Милтиқнинг ўрнига эса ким ёзганлиги кўрсатилмаган юмалоқ хат қолдирдик... Бувимнинг Эрон шоирларига тегишли китобларини варақлаб, анча-мунча «ақлли гаплар»ни кўчирганмиз.

«Қушлар ҳаёти эвазига келади-ган ширин мевалардан не фойда? Ўзидан кучсизларга жанг эълон қилиш — ожизлар иши!»

Балки, бу ҳолат ҳаммага ҳам таниш эмасдир. Болалигимда бир нарсани мени ҳайрон қолдирар эди: бозорларда сотиладиган узумларнинг бир донасида ҳам чумчуқларнинг ўткир тумшукчаларидан из бўлмасди. Ҳовлимиздаги узумлар, айниқса, эртапишар нави эҳтиёжимиздан ортиқ бўлса-да, бозорга олиб чиқиб сотишнинг имкони йўқ эди. Негаки чумчуқ ва майналар чўқилаб қочиб, уларнинг бозоргирлигига путур етказарди. Катталар шақилдоқ тунукалар билан қушларни чўчитишни тайинлашарди бизга. Аммо қушлар шунақа иштиёқ билан узум доналарига тумшукчаларини ботирардики... қараб завқланасиз.

Rost24.uz маълумотига кўра, 2020 йилда «Китоблар олами»нинг энг харидоригар асарлар 10 талиги қуйидагича бўлган:

1. «Уйимни соғиндим» Элчин Сафарли.
2. «Алеф» Пауло Коэльо.
3. «Элжернонга аталган гуллар» Дэнниел Киз.
4. «То сени топганимча» Жожо Мойес.
5. «Ишққа оид 40 қоида» Элиф Шафақ.
6. «Қайтганимда уйда бўл» Элчин Сафарли.
7. «Алкимёгар» Пауло Коэльо.
8. «Молхона» Жорж Оруэлл.
9. «Рақамли қалъа» Дэн Браун.
10. «Тоғлар ҳам садо беради» Холид Хусайний.

Биз, болалар завқланардик, афсуски, катталар бу завқни ҳис қилмайдилар.

Бу шундай бир ғаройиб китоб. Ҳам ўқийсиз, ҳам биргина сизга қадрдон бўлган олисларда қолган оламга бўйлайсиз.

«Денгиз ҳақида сўзлаб бер менга» китобида Истанбул деган гўзал шаҳар ҳақида ҳикоялар бор.

Ўқиймиз: «Шаҳар ҳам худди сеvimли кишингиздек бўлиб қолишини сезганмисиз? У сизни ҳис қилади, ғамхўрлик кўрсатади, борини баҳам кўради ва ўз ўрнида сиз ҳам борингизни (хоҳ катта ёки кичик бўлсин, ўйлаб ўтирмасдан) у билан бўлишасиз. Шаҳар билан худди суюкли инсонингиз каби муносабат ўрнатасиз. Гоҳида ундан азизроғи топилмайди, гоҳ эса уни кўрарга кўзингиз йўқ. Аммо не бўлганда ҳам юзадаги беқарор тўлқинда эмас, чуқурликдан жой олган бир нарсаси бор. Унинг номи — МУҲАББАТ».

Бу худди Тошкент ҳақида менинг ўйларимга ўхшайди.

Ўқиймиз: «Босфор — Истанбулнинг биринчи азон янграши билан ўз деразаларини очувчи уйи бўлиб, ярим тунда осудаликка чўқади...»

Истанбулда ҳар кимнинг бир парча соҳили, ўз чағалайи ва бир финжон чойи бор.

Истанбул қиссалар сўзлайди. Уларни ҳамма ҳам эшитолмайди. Кимки ўзини эшита билса, уни бошқалар ҳам тинглай олади. Бир хиллар учун Истанбул — кўча тикинлари билан тўла дағал мегаполис, бошқалар учун — ҳамма ердаги каби ҳеч кимга тегишли бўлмаган тарихлар хазинасидир.

Ҳазина омборига кириш бу — ерга келади-ганларнинг ҳаммаси учун бемалол бўлса-да, ҳар ким ҳам у ерга бош суқавермайди. Одамзоднинг энг катта хатоси бу — барча муҳим нарсалар ёнида туриб, «ўзиники»ни излаб дунё айланишидир.

...Ердаги ҳеч нарсага боғланиб қолиш керак эмас, бари ўткинчи, дейишади-ку. Кадикёй ҳақида гап кетганида бундай демаган бўлардим».

Истанбул муҳаббати биргина бу китобда эмас, адибнинг бир неча асарларида учрайди. Унинг маҳорати шундаки, сизга ҳам Истанбулни сеvdиради. Ҳа, ҳа, сеvdиради. Худди адибимиз Аҳмад Аъзам ҳикоясида Гарашани қандай сеvdирса, у ҳам ўз асарлари билан Истанбулни сеvdиради.

Мен Истанбулни кўрмаганман, китоблар орқали уни танидим, меҳрим тушди. Кўрганлар уни бекиёс гўзал шаҳар дейишади, тўлиб-тошиб таассуротларини сўзлайдилар. Гўзал бўлганидан кейин асир қилади-да. Аммо менинг ўз Истанбулим бор. Уни Тош шаҳар деб суюман, денгизлардан йироқ

бўлса-да, севавераман! Элчин Сафарли каби бетакрор сўзларда муҳаббатимни баён қила олмайман, бироқ Тош шаҳарга бўлган сеvgим уникидан кам эмас.

Саҳифани тайёрлашдан олдин анчагина ўйландим. Ўқувчиларга бу китоб ҳақида нималар дея оламан? Унинг қимматини қандай англатиш мумкин? Ҳеч сўз демасдан бир саҳифага адибнинг ёзганларидан парчалар шаклида бериш фикри ҳам келди. Ўқувчи кўнглини топиш ўта мушкул иш. Келажакда бу шаклда ҳам китоблар тавсия этармиз, эҳтимол.

Асарда мактуб жанри ҳам бор. Бу Элчин Сафарли ижодида бетакрор қиёфа касб этади.

Келинг, мактублардан парчалар **Ўқиймиз:** «Дўстгинам, ўзгалар учун яшайдиганлар раҳимини келтиради. Сиртдан бу иш кони савобдек. Бундай кишилар билан яқиндан танишгандан сўнг, улар қанчалар бунга ишонтироқчи бўлишса-да, бахтли эмасликларини пайқадим. Ноҳақлик. Ҳар биримиз биринчи навбатда ўзимиз учун бахтли бўлишимиз лозим, кейингина уни бошқалар билан бўлишиш мумкин».

«Муҳаббат — ҳамма нарсанинг моҳияти, у ўзимизда, биз эса ким билади нималарни ахтарамиз ва ҳеч нарсани топмаймиз».

«Болажомин, эсингда тут: агар сояни кўрган бўлсанг, демак, шундоқ яқинингда ёруғлик ҳам бўлади. Соядан ўгирил-да, ёруғликни қидир — куч ўшанда. Олти минг йилдан бери уни ҳеч қандай зулмат ўчира олмаган. Ёруғлик сени ҳимоя қилади. Албатта, унга ишон.

Аким»

«Аким амаки,


Асад бобом синглиси Замина оламдан ўтганида ўттиз ёшлардан ўтиб қолганди. У қайғуга тушди. Уйни, ўзини ва ишни ўз ҳолига ташлади. Ҳаёт унинг учун тугагандек эди.

Бир гал қабр ёнида ўтирганида, қартайган мулла унинг ёнига келди. Қора тасбеҳларини ўгирганча, ёнига тиз чўқди. «Тошни яна қанча кучиб ўтирмақчисан? Сенинг синглинг шу тош тугул, бутун қабристонда йўқ-ку». Бобом аввалига жаҳлга минди. Бу телба чолни ҳайдаб солмоқчи ҳам бўлди, аммо барибир сўради: «Унақада, қаерда у?»

Мулла тасбеҳ ўгиришдан тўхтади ва унинг чап кўксига кўлини нуқиди: «Барчаси юрагингда. Уни эсла ва у сенга яқинлашади».

Азиз ўқувчи, бу парчалар сиз билан бўлишимиз келган таассуротларимдан заррадир. Яхшиси, китобни ўқинг, Элчин Сафарлининг қатор асарлари она тилимизга чевирилган. Улар билан китоб жавонингиз кўркли, қалбингиз инжа туйғуларга бой бўлади, ишонинг!

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Vatanparvar»



Муаммолар ечим топмоқда

Давлат раҳбарининг тегишли топшириғи асосида Президент маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Исламов раҳбарлигидаги Республика ишчи гуруҳи таркибиди Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори генерал-майор Шухрат Узаковнинг Сирдарё вилояти бўйлаб оммавий сайёр қабуллари Сайхунобод, Оқолтин, Боёвут туманлари ва Гулистон шаҳрида бўлиб ўтди.

Хусусан, Гулистон шаҳрида ўтказилган қабулда Мирзаобод ва Гулистон туманлари аҳолисининг мурожаатлари тингланди. Куннинг иккинчи ярмида Боёвут туманидаги 2-сонли мактаб-интернати ҳовлисида Боёвут, Ховос туманлари ҳамда Янгиер ва Ширин шаҳарларидан ташриф буюрган фуқаролар қабул қилиниб, уларни қийнаб келаётган

муаммолари тингланиб, ҳал қилиш чоралари кўрилди.

Икки кун давом этган оммавий қабуллар жараёнида фуқаролардан тергов ва суриштирув, суд қарорлари, суд қарорларининг ижроси, маҳаллий ҳокимият ва ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари, ижтимоий-иқтисодий масалалар, уй-жой, моддий



ёрддам, қурилиш, коммунал ва бошқа соҳалар бўйича 120 та мурожаат келиб тушди.

Шулардан 43 таси жойида ҳал қилинган бўлса, 77 та масала бўйича мурожаатлар қўшимча ўрганишларни тақозо этгани сабабли ижро учун назоратга олинди.

Шунингдек, оммавий қабуллар якуни бўйича мутасадди раҳбарларга назоратга олинган ҳар бир мурожаатни ўз вақтида қонун доирасида кўриб

чиқиш ва ҳал этиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилди.

Адлия подполковниги Сарвар МУХИТДИНОВ, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг ўринбосари

Битирув

Эъзоз

КИЧИК КОМАНДИРЛАРГА ИШОНЧ

Марказий ҳарбий округда жойлашган Қуролли Кучлар Кичик мутахассисларни тайёрлаш марказида навбатдаги битирув тантанаси бўлиб ўтди.



Тадбирда Марказий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги, вилоят ички ишлар бошқармаси раҳбарияти, Самарқанд вилояти «Нуронийлар» кенгаши, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрийлар, ота-оналар ҳамда бир гуруҳ ёшлар иштирок этди.

Сўзга чиққанлар ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида гапирар экан, марказда сержантларни тайёрлаш бўйича замон талабларига жавоб берадиган самарали тизим яратилганлиги, натижада эса юксак назарий ва амалий билимларга эга бўлган етук кичик командирлар Қуролли Кучлар сафларидан муносиб ўрин эгаллаётганини алоҳида таъкидлашди.

Шундан сўнг, битирувчиларга сертификат ва кўкрак нишонлари ҳамда «кичик сержант» ва «III даражали сержант» ҳарбий унвон-



лари тантанали равишда топширилди. Шунингдек, бир гуруҳ битирувчиларга «Аълочи мутахассис» кўкрак нишони берилди.

Тадбирнинг бадиий қисмида курсантларнинг қўл жанги бўйича кўргазмалари ва Самарқанд гарнизони ҳарбий оркестр жамоаси ҳамда вилоят маданият бошқармасининг концерт дастури намойиш этилди.

Контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Хайрулло УЛМАСОВ, марказ пресс-атташеси

МЕҲНАТИ ЭЛДА АЗИЗ

Халқимиз орасида «Меҳнат қилган – элда азиз» деган пурмаъно гап бор. Дарҳақиқат, меҳнати ортидан кадр топган, фидойилиги билан ажралиб турадиган, узоқ йиллик тажрибаларини шогирдларига ўргатишда тинимсиз ҳаракатда бўлган ватандошларимиз талайгина. Уларнинг босиб ўтган ҳаёт йўли ёшлар учун дастуриламал бўлмоғи керак. **Биз юқорида таърифлаган фидойилар сафига Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти фахрийси, техника фанлари номзоди, доцент, захирадаги подполковник Тоҳир Қўчқоровни ҳам қўшиш мумкин.**

Бугунги кунда 75 ёшни қаршилаган Тоҳир Қўчқоров ўтган асрнинг 90-йиллари бошида ҳозирги Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг ҳарбий факультети асосчиларидан бири бўлди ва 13 йил давомида унга раҳбарлик қилди. Қуролли Кучларимизнинг етук мутахассислар билан таъминланишида, ёшларнинг Ватанга фидойи, оилага садоқатли бўлиб таълим ва тарбия топишларида ўз ҳиссасини қўшди.

Тоҳир ота Қўчқоровнинг босиб ўтган илмий ва амалий фаолиятини ўсиб келаётган ёш авлодга етказиш мақсадида Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти фаоллар залида «Фахрийлар



ҳамиша ардоғимизда» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда ҳарбий институт раҳбарияти, Республика Ҳарбий прокуратураси ходимлари ҳамда курсант ва аскарлар иштирок этди. Тадбирда сўзга чиққанлар Тоҳир ота Қўчқоровнинг миллий армиямизнинг равнақи йўлида қўшган ҳиссасини эътироф этди. У кишининг илм излаб, бутун умрини ёшларга таълим ва тарбия беришдек шарафли йўлда сарфлаганлиги видеоларлар орқали намойиш этилди.

Сўнг Тошкент шаҳридаги файзли хонадонлардан бирида истиқомат қилаётган Тоҳир ота ҳолидан хабар олинди. Меҳмонларни очиқ чехра билан кутиб олган қаҳрамонимизга Мудофаа вазирининг эсдалик нишони ва совғалари топширилди. Тоҳир Қўчқоров босиб ўтган умр йўли ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашиб, ёш офицерларга илм-фанни эгаллаш, етук мутахассис бўлиш борасида зарур тавсияларини берди. Отанинг томорқасида ҳашар ташкиллаштирган курсантларни ҳам дуо қилар экан, аввало юрт тинчлигига кўз тегмаслигини, унинг ҳимояси йўлида бор куч-ғайратини аямасдан меҳнат қилиш кераклигини уқтирди. Меҳнат қилган инсон, албатта, кадр топишини такрор-такрор айтишдан чарчамаган отахон фахрийларни доим қадрлаб келаётганлиги учун Мудофаа вазирлиги раҳбариятига миннатдорлик билдирди.

Шерзод ШАРИПОВ, «Vatanparvar»

ХОТИРА

ЎТКИР ҲОШИМОВ
САБОҚЛАРИ

(ёднома)

ИЛК УЧРАШУВ

Мақтабни битириш арафаси эди. Республика миқёсида ўқувчилар ўртасида ўтказиладиган бир викторина эълонида кўзим тушди. Унинг талаблари «Ленин учқуни» (ҳозирги «Тонг юлдузи») газетасида эълон қилинган эди. Викторина саволларига жавоб ёзиб, газетада кўрсатилган манзилга юбордим.

Орадан икки-уч ойча вақт ўтди. Бир куни мактабдан келсам, дадам раҳматли ҳовлидаги сўрида қувончлари ичига сиғмай ўтирибдилар. Мени кўришлари билан кўрпача қатидан қоғозга ўралган нарсани олиб узатдилар.

– Бу сенга. Тошкентдан. Назарга тушибсан, баракалла, ўғлим. Мартабан улуг бўлсин!

– Нима бу? – дедим шоша-пиша қоғозни очарканман.

– Китоб, ўғлим, – дедилар дадам ғурурланиб.

Китоб ўралган қоғоздаги ёзувларни ўқиб, викторинага жавоб юборганим эсимга тушди. Менга юборилган китоб эса улуг ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳорнинг «Ёшлар билан суҳбат»и экан. Муқова ичида шундай ёзув бор эди:

«Менинг Ватаним» кўрик-танловига ғолиб чиққанингиз учун Республика пионерлар саройи раҳбарияти ушбу китобни тортиқ қилади».

Абдулла Қаҳҳорнинг Ўткир Ҳошимов ҳақидаги самимий дил сўзларини дастлаб шу китобда ўқидим. Шундан кейин Ўткир Ҳошимовнинг асарларини қидириб топиб ўқийдиган бўлдим. Улардаги ўзгача жозиба, ширали тил, қизиқарли ҳаётий воқеалар ўзига ром қилар, мутолаага берилиб кетганимдан тонг отганини ҳам билмай қолардим. Ўткир аканинг асарлари таъсирида бир-иккита ҳикоя ҳам қораладим.

Ҳикояларимни Қўқон шаҳрида чиқадиغان «Меҳнат байроғи» газетасида ишлайдиган ёзувчи Адҳам Мирсаидовга олиб бордим. У киши машқларимни эринмай ўқиб чиқди ва орасидан биттасини танлаб, уни қизил ручка билан таҳрир қила бошлади.

Ниҳоят, Адҳам ака таҳрирдан бошини кўтарди ва ҳикояга «Қўзларинг ёшланмасин», деб сарлавҳа қўйди.

– Ука, мавзу яхши, озгина таҳрир қилдим... Кўп машқ қилинг, тез-тез келиб туринг, – деди мени қувонтириб.

Мақтабни битириб, Тошкентга йўл олдим. Мақсадим – Журналистика факультетига ўқишга кириш ва устоз Ўткир Ҳошимов билан учрашиш эди. Ўткир акани топиш қийин бўлмади.

«Тошкент оқшоми» газетасида ишлар эканлар. Газета таҳририятининг аввалги «Билимлар уйи» ёнида жойлашган биносини топиб бордим.

– Қўқонликман. Ўқишга келгандим... – дедим тутилиб-тутулиб. – Асарларингизни ўқиб, жуда таъсирландим... Шунга ўзингизни...

– Раҳмат, ука. Ўзингиз ҳам ёзиб турасизми?

Мен ерга қарадим, ёзганларимни кўрсатишга ботинолмас эдим.

Ўткир ака бунга сезиб, далда берди:

– Уялманг, машқларингиз бўлса, ташлаб кетинг, кўриб кўяман.

Қўлзма машқларимни тортиниб устозга узатдим...

Ўша йили университетга кириш имтихонларидан ўтолмай, қайтиб кетадиган бўлдим. Йўлга чиқишдан аввал яна бир марта устозни йўқлаб бордим.

– Ҳикояларингизни ўқидим, – деди устоз. – Ҳаракатингиз яхши, кузатувларингизда жон бор. Аммо ҳикояларингиз матбуотда эълон қилинадиган даражадамас, ўрганчик машқлар.

Албатта, бу гап мени қувонтирди деёлмайман. Аммо Ўткир ака бор гапни лўнда қилиб айтгани тўғри экан. Кейин ҳам устознинг одати шундай эканини, ёлғон-яшиқ гаплар билан одамнинг қўйини пуч ёнғоққа тўлдирмай, очикчасига фикр билдириш одати борлигини кўп кузатдим.

– Бошқа машқларингиз бўлса, ташлаб кетинг, ёнингизда бўлмаса, юборинг, кўриб кўяман, кўнглингизни чўқтирманг, – деди хайрлашаётиб.

Шундай катта ёзувчининг энди мактабни битирган бола билан қилаётган дўстона муомаласи мени ниҳоятда ҳаяжонга солган эди.

ШАКЛЛАНИШ ПИЛЛАПОЯЛАРИ

Ниҳоят, ўзим орзу қилган Журналистика факультетига ўқишга кирдим. Факультетнинг кечки бўлимида ўқиб, матбуотда ишлай бошладим. Ишдан бўш пайтларимда тез-тез Ўткир аканинг ёнига келиб, ижод сирларини ўрганишга ҳаракат қилардим. Устоз ўз маслаҳатларини аямас, кичик ҳикояларим сайқаллашиб, «Тошкент оқшоми» газетасида босилиб чиқарди. Бу эса мени руҳлантириб, янги ҳикоялар ёзишга ундар эди.

Лекин бундан устознинг кўнгли тўлмади шекилли, бир куни шундай деди:

– Ҳикояларингиз яхши. Қаламингиз чархланиб боряпти. Бироқ ҳаммасининг мавзуси бир хил – муҳаббат, ишқ. Ёзувчи нуқул бир мавзуда қалам тебратаверса, ўзи билан ўзи ўралашиб қолади.

Устознинг маслаҳати тўғрисида кўп ўйладим. Чунки ҳақ гапни айтганди. Кунларнинг бирида Мўйноққа хизмат сафари билан бордим. Одам қадами етмаган саҳрода атрофи саксовул ва янтоқ билан ўралган, усти очик қўрада ётиб қолишимга тўғри келди. Кекса чўпон Қаршибой ота билан гаплашиб ўтирибмиз. Унинг серажин юзида ғам-андух ифодаси бор эди. Бироқ ундан ботиниб, ҳеч нарса сўрай олмадим. Чўпон бизни меҳмон қилиб, эрталаб йўлга чиқариб қўйди.

Чошгоҳда шамол «дазмоллаган» текис қумликка вагон-уйчалар ўрнатилган, нефть қазиш анжомлари тикланган майдонга кириб бордик.

– Хуш келибсизлар, – деди экспедиция бошлиғи Отамурод ака. Мақсадимизни эшитгач, бизни вагон-уйчага бошлаб кирди. – Узоқ йўл босиб чарчандирсиз. Шу ерда дам олиб туринглар. Биз Қаршибой отанинг ўтовига ўтиб келамиз.

– Тинчликми? – деб сўради ҳамроҳим. Экспедиция бошлиғи афсусланиб деди:

– Бир неча кун олдин Қаршибой отанинг ёлғиз неварасини илон чақиб олган экан, вафот этибди...

Бу гапдан кейин Қаршибой отанинг ғамгин қиёфаси хаёлимдан кетмай қол-

ди. Охири кўрган, эшитганларимни қоғозга туширдим. Ўткир ака ҳикояни бир зумда ўқиб чиқди ва:

– Мана бу бошқа гап!

Ҳикояда инсон қисмати бор, адабиётнинг бош вазифаси – инсонни тасвирлаш, – деди-да, бир чекка-сига «номерга» деб ёзиб қўйди. Бир неча кундан кейин ҳикоя газетада босилиб чиқди.

Бир куни эрталаб ишга келсам, ҳамхонам мени Ўткир ака йўқлаганини айтиб қолди. Устознинг хонасига кирдим.

– Келдингизми? – деди Ўткир ака. – Ўтиринг. Кеча оқшом менга «Ёш гвардия» нашриётдан кўнғироқ қилишди. «Ёшлик» альманахининг навбатдаги китобига ёш ижодкорларнинг асарларини тўплашаётган экан. Мен сизнинг ҳикояларингизни тавсия қилдим. Бугуноқ энг яхши ҳикояларингиздан олиб, нашриётга бериб келинг.

Орадан кўп ўтмай, «Ёшлик» альманахи нашрдан чиқди. Кейин эса Ўткир аканинг «Тошкент оқшоми»да «Ёшлик илҳомлари» номли мақоласи босилди. Мақола альманахта босилган ёш ижодкорларнинг асарлари тўғрисидаги фикр-мулоҳазалардан иборат эди. Шу жумладан, менинг ҳикояларим ҳақида ҳам фикрлар бор эди.

Ўткир Ҳошимовдай таниқли адабнинг бу фикрларини ўқиб, қанчалик қувонганимни тасаввур қилиш қийин бўлмаса керак. Бу мен учун шараф эди.

ОНАГА ТАЪЗИМ

Етмишинчи-саксонинчи йилларда бутун Ўзбекистонда машҳур бўлган газета «Тошкент оқшоми» эди. Унинг фақат пойтахт аҳли эмас, бошқа вилоятларда ҳам минглаб обуначилари бор эди. Сабаби, бу нашрда нуқул зериқарли сиёсат ва коммунистик мафкура тарғиби эмас, одамларнинг юрагидаги гаплар ҳам ёритиларди. Газетанинг ҳар душанба сониди «Йигирманчи йиллар адабиёти», деган саҳифа берилар ва бу саҳифада Сталин қатағонлари даврида минг бир азобга солинган, қамалган, отиб ўлдирилган шоир ва адиблар ижоди дадиллик билан ёритиларди. Бу хайрли, аммо хатарли юмушда газетанинг адабиёт ва санъат бўлими мудири Ўткир Ҳошимовнинг ҳам ҳиссаси бор эди. Газетада талай истеъдодли қаламкашлар меҳнат қилар, улар орасида қалами ўткир ва ниҳоятда дилкаш журналист, адиб Тўлқин Расулов айниқса, ажралиб турарди. Билишимча, Ўткир аканинг оналари Пошша ая ҳам Тўлқин Расуловни «бешинчи ўғлим» деб атардилар...

Ёз кунларидан бирида Тўлқин ака мени чақириб, «Вақт топиб, оймидан хабар олиб келинг, Ўткиржон дам олишга кетган, ойм сизни кўрсалар хурсанд бўладилар», деди. Устознинг уйига борсам, Пошша ая беш ёшлардаги набираси Фаррухжон билан очик айвонда ўтирган эканлар (Фаррух Ўткир аканинг тўнғич фарзанди). Ая мени бағрига босиб кўришдилар. Орадан бир ярим йил ўтгач, баҳор кунларидан бирида Пошша ая тўсатдан



вафот этдилар. Аянинг вафоти мен учун ҳам оғир жудолик бўлди. Чунки ая менинг ҳам бошимни силаган, доим «болам-бўтам» деб бағрига босган меҳри дарё аёл эдилар.

Она вафоти ҳар қандай инсон учун катта йўқотиш. «Дунёнинг ишлари» китобининг дастлабки боблари ўша жудоликнинг оғир изтироблари таъсирида қоғозга тушганидан хабарим бор...

Адашмасам, май ойлари эди. Иккинчи қаватга – «Тошкент оқшоми» таҳририятига тушиб, устоз билан бирпас суҳбатлашгим келди.

– Келганингиз яхши бўлди, – деди адиб. – Зулфия опанинг маслаҳати билан «Саодат»га бир нарса ваъда қилган эдим. Редактор топшириғи билан бир ерга боришга тўғри келиб қолди. Тушлиқдан кейин опанинг хузурларига киришим керак эди. Малол келмаса, шуни опага элтиб берсангиз. Ўзим кирилмаганим учун узр сўраб қўйинг...

Тушлиқкача анча вақт бор эди. Хонамга кириб, маттни ўқий бошладим. Ўқиб, ларзага тушдим. Булар «Дунёнинг ишлари» китобига кирган «Ҳаққуш», «Туш», «Китоб» деган ҳикоялар бўлиб, уларни изтиробсиз ўқиб бўлмасди...


Роса соат иккида «Саодат» журналин бош муҳаррирининг хонасига кириб бордим. Зулфия опа ўз кабинетидан чиқиб келаётган экан. Атоқли шоиранинг салобати босиб, остонада тўхтаб қолдим. Ўткир аканинг узрини айтиб, қўлзмамни опанинг қўлларига бердим. Зулфия опа қабулхона бурчагидаги креслога ўтириб, кўзойнақ тақди-да, саҳифаларни ўқий бошлади. Қолишни ҳам, чиқиб кетишни ҳам билмай ўрнимда туриб қолдим. Опа маттни бироз ўқиғач, чуқур-чуқур хўрсиниб қўйди. Сўнг: «Бу жуда яхши асар бўлади, она ҳақида шунақа ёзиш керак. Ўткиржонга раҳмат денг, давомини ҳам берсинлар», деб қўлзмамни кўтариб хонага кириб кетди... Шу тарихқа «Дунёнинг ишлари» китобининг дастлабки қисми «Саодат» журналида кетма-кет босилди. Кейин «Гулистон», «Шарқ юлдузи» журналларида ҳам эълон қилинди. Китоб уч юз мингга яқин нусхада қайта-қайта нашр этилди. Бир неча тилларга таржима бўлди. Асар асосида Мираббос Мирзаҳмедов экранлаштирган телефильм йиллар давомида «ойнаи жаҳон»да ўттиз мартага яқин намойиш қилинди. Асар бугунги авлоднинг ҳам ҳаяжон ва ларзага солмоқда.

Мурод ТИЛЛАЕВ,
ёзувчи

АЖДОДЛАР ЖАСОРАТИ – ЁШЛАРГА ЎРНАК

2019 йили Россиянинг Красногорск шаҳрида Иккинчи жаҳон уруши даврида кўрсатган мислсиз меҳнати ва мардлиги учун барча ҳарбий кинотасвирчилар шарафига (қўлида кинокамера ушлаб турган аскарлар тимсолида) ҳайкал ўрнатилди.

ҲАРБИЙ



Белоруссия frontiдаги жанглар бўйича киношунос Абдуборий Ҳасановнинг ёзган маълумотларида келтирилишича, Малик Қаюмов кўп қон йўқотаётган ярадорга ёрдам бериш учун муваффақиятли кадрларни пойлаб туролмаган кезлари бўлган, ўша онда ўқлар ғизиллаб турган томон югуриб бўлса-да, яраланган аскарни қўлтиғидан олиб окопга туширган. Бу каби

Дарҳақиқат, Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳарбий кинотасвирчилар собиқ Иттифоқ халқларининг ўлмас жасоратини тасмаларга муҳрлади. Бу орқали келажак авлод учун такрорланмас, ўзига хос ғалабанинг образини қолдирди. Бундай кинооператорлар сони 250 нафардан ортиқ эди. Р. Кармен, В. Сушинский, Б. Соколов, А. Крилов, Б. Пумпянский, А. Сёмин, И. Попов, Н. Биков каби номларни узоқ давом эттириш мумкин. Улар орасида таниқли ўзбек киноҳужжатчиси Малик Қаюмов, хроникал тасвирчилар – Маматқул Арабов, Олим Раҳимов, Эргаш Ҳамроев, Нишон Отахонов ҳам бор.

Малик Қаюмов урушнинг илк кунлариданоқ фронтга кетишни мақсад қилади, лекин операторлар заҳира ҳисобланади, уларга рухсат берилмасди. Узоқ фронтда Ватан тақдири ҳал бўлаётган бир пайтда у қўл қовуштириб туролмас, элнинг жонкуяр фарзанди ва хроникачиси сифатида ўзининг ўрнини ўша ерда, деб ҳисоблар эди. Шу боис армиянинг ҳарбий кинооператори сифатида фронтга юборилишини такроран сўраб, рухсат тегиши биланоқ фронтга жўнаб кетади. Малик Қаюмов Калинин frontiдаги киногурӯҳга қўшилганида, жангга қизгин тадорик кўриляётган эди. Маълум муддатдан сўнг у ҳамкор оператори Алексей Сёмин билан биргаликда Ржевск гарбидаги жанглар киносюжети тасвирга олди. Полковник М. Бусаревнинг жангга тайёргарлик кўриши, сўнг ҳужумга ўтиши, вайрон бўлган танклар, ёнаётган уйлар, ярадорлар, хуллас, даҳшатли уруш манзараларини Малик Қаюмов шундоққина ёнидан туриб тасвирга олди. Ғизиллаб ўтаётган дайди ўқлар гўёки тасвирга олишда бир томондан жиддий хавф туғдириб, халақит қилса, бошқа томондан кадрнинг табиий чиқишини таъминлаган.

мардонавор ҳолатларни фронтчиларнинг барчасида учратамиз. Масалан, Малик Қаюмов ва унинг ҳамкор оператори Алексей Сёмин аскарлар билан кетаётган эшелондан тушиб, йўлга ўрнатилган миналар орасидан ўтиб, хавф-хатарга қарамай, ағдарилиб ётган автомашина томон чопиб кетади ва ярадорларни елкасига олиб ҳамшираларга етказди.

Жангларнинг бирида Малик Қаюмов қаттиқ яраланиб ҳолсиз ётганида, Алексей Сёмин уни елкасига опичлаб, жанг майдонидан салкам 3 километр наридаги санитарга етказган. Малик Қаюмовнинг хотираларидан: «Урушнинг ҳар кунинда аскарлар ҳужумга ўтади, югуради, қуролидан ўқ отади. Оператор эса ёнма-ён юриб, уларни тасвирга олиши зарур. Ҳеч унута олмайман, Минск яқинидаги шафқатсиз жангдан сўнг, тўлиқ майдон бўйлаб жасадлар ястаниб ётарди. Уларнинг шу қадар қўплигидан ўзимизни қўлга ололмай, беихтиёр ҳўнг-ҳўнг йиғлар эдик».

Қаҳрамонимиз 1-Белоруссия frontiда бўлиб ўтаётган барча ҳодисалар, кўплаб аскарларнинг чекиниши, мағлубият алами, қайғуси, ўзларини йўқотиб қўйган оғир аҳволи, азобланаётган ярадорларнинг жон беришини тасвирга олган. Бироқ бу материалларнинг ҳаммаси ҳам киносюжетларга киритилмасди. Сабаби ҳужжатли фильм олдида қўйилган талаблардан бири унинг ҳаққонийлиги билан бирга тарғибот характери акс этиши, аскарлар ва халқнинг руҳини кўтарадиган, ғалабага ишончини оширадиган бўлиши шарт эди.

1941 йил июнь ойида Амир Темур қабрини очиш экспедицияси жараёнини Малик Қаюмов тасвирга олган эди. Маълумки, маҳаллий нотаниш кексалар Амир Темур қабри очилса, кулфат келиши, уруш бошланишини ва бу ҳақда китоблар ёзиб қолдирилганини аввал Малик Қаюмовга, сўнг экспедиция бошлиқларига айтишганида, бунга эътибор қилишмаган. Орадан уч-тўрт кун ўтгач, мамлакатда уруш бошланади. Бўлиши мумкинки, бўлиб ўтган бу ҳолатдан Малик Қаюмов жуда қаттиқ таъсирланган ва қайсидир маънода уруш бошланишига ўзини дахлдордек ҳис этган.

Бу воқеалардан анча олдинроқ немис қўшинлари мамлакат чегараси яқинида урушга тайёргарлик кўрганлиги инobatга олинса, бу ишларни ҳаётий тасодиф, дейиш тўғрироқ бўлади. Шундай бўлса-да, Малик Қаюмов урушни тўхтатиш учун, ғалаба учун қўлидан келганча ҳаракат қилган, она Ватани учун жонини беришга тайёр бўлган.

Танти қаҳрамонимиз Калинин фронтининг тайёргарлик пайтида қўмондон Георгий Жуков билан учрашади. Унга Амир Темур қабри воқеаларини батафсил гапириб беради ва буни дарҳол И. Сталинга етказиш зарурлигини айтади. Г. Жуков уни диққат билан эшитиб, воқеаларга жиддий қарайди, кўп ўтмай у Сталинга ушбу воқеаларни етказди. Ўз навбатида, И. Сталин ҳам бу ҳолатга жиддий қараб, зудлик билан Амир Темур хокини жойига қайтариб дафн қилишни буюрган. Буйруқ ба-жарилгач, орадан кўп ўтмай, немис қўшинларининг биринчи мағлубияти ва чекиниши эълон қилинади. Савол туғилади: агар Малик Қаюмов ушбу экспедиция воқеаларини Г. Жуковга етказмаганида тарих воқеалари қандай кечган бўлар эди?

Малик Қаюмов билан боғлиқ ушбу воқеа балки, баҳслидир, лекин бир ҳолат аёнки, у ўзи учун, ўзидаги уруш бошланишига дахлдорлик ҳиссини фронтдаги мардонавор хизмати билан адо этган, виждонини оқлаган, мақсадига етган. Шунинг ўзи унинг Ватан олдидаги катта инсоний жасорати эди.

«Жанговар ҳужум пайтларида Малик Қаюмов биринчилар қаторида, аскарлар ёнига, ҳатто улардан ҳам олдинга ўтиб оларди. Жангчиларнинг юз ифодаси, шижоатини тасвирга олишга ҳаракат қиларди, ўзини аямасди», дейди ҳамкор кинооператори А.Сёмин. Қаҳрамонимиз 1942 йили Калинин вилояти яқинидаги Белий шаҳарчасида қаттиқ яраланиб госпиталга тушади, ойлаб даволанишлардан сўнг 2-Белоруссия frontiда хизматни давом эттиради. Малик Қаюмовнинг довураклиги уни яна душман ўқиға дучор қилади. У 1944 йилнинг ёзида оёғидан оғир яраланади ва госпиталга жўнатилади.

– Операторлар жанг-жадалнинг энг қизиган жойларига кириб кетарди, аскарлар билан бир сафда ҳаракатланарди. Лекин ўқлар, бомбалар ёғилаётган жойлардан уларнинг ҳаммаси ҳам қайтмасди. Бизнинг кўпгина ажойиб ҳамкасбларимиз ҳалок бўлди. Ҳар сафар ўша уруш хроникасини томоша қилганимда, уни тасвирга олганлар ҳақида эслайвераман, – деб қайд этади Малик Қаюмов. – Ўзбекистонлик кинооператорлар Эргаш Ҳамроев, Олим Раҳимов, Нишон Отахонов шулар жумласидан. Улар ўз касбининг саноқатли инсонлари эди.

Украина fronti операторлари орасида киноҳужжатчи-оператор Маматқул Арабов ҳам бўлган. Асли бухоролик бўлган юртдошимиз 1962 йилдан 1971 йилгача Ўзбекистон ҳужжатли фильмлар киностудиясида, сўнг Тожикистонда фаолият юритган. У тасвирга олган киносюжетларда Украина, Венгрия, Польша, Чехия, Германиядаги жанглар, шаҳар ва қишлоқларнинг озод этилиши, немис аскарларининг асирга олиниши ифодаланган. Энг оғир жанговар шароитларда Маматқул Арабов ҳамкор операторлар Анатолий Павлович ва Николай Биков билан бирга қон кечиб, тасвирга олишга мажбур бўлган.

Унинг объективи қайғу-ҳасрат ҳам, қувончу хурсандчиликларни ҳам «кўрган», ўзи аскарлар сафида жангларда қатнашган. Украинанинг Кременец шаҳри яқинида чуқур ўрага ташлаб кетилган 300 дан ортиқ боланинг жасадига гувоҳ бўлиб, тасвирга олган М. Арабов: «Бу уруш даҳшатининг қўлами ва фашизмнинг асл юзини ўшанда кўрганман. Ҳарбий операторнинг масъулиятини, тасвирга олинган кадрлар қимматини чуқур ҳис қилган эдим», дея хотирлайди. У ҳар гал уруш даврини эсласа, ҳамкор оператори Николай Биков кўз олдиға келади. «Снаряд ёнимизда портлаб бизни улоқтириб ташлади, ўзимга келгач, бузилган замбарак тагиға ўрмалаб бордим.



Ҳар томондан снаряд овози эшитилар, аммо Биков кўринмасди, уни бино ичкарасидан юқорига чиқиб тасвирга олаётган бўлса керак, деб ўйладим. У тепа жойларда тасвирга олишни яхши кўрарди. Шу пайт ўша снаряд портлаган жой, чуқурлик ёнида камераға кўзим тушди, сал нарида эса Биковнинг ўзи ётарди. Снаряд бўлаги унинг белини парчалаб, тилка-пора қилиб ташлаганди. Бир ҳафтадан сўнг снаряд парчаси ўзимнинг ҳам бошимға теғди».

Госпиталдан қайтгач, М. Арабов Бреслау жангларида ва Берлиннинг тор-мор этилишида кинокамераси билан қатнашди. Малик Қаюмов, Алексей Сёмин ва бошқа кўплаб ҳарбий операторлар қаторида Маматқул Арабов ҳам уруш йилларида кўрсатган жасорати учун I даражали «Қизил байроқ» ордени, бир неча жанговар медаллар билан тақдирланди. У тасвирга олган кадрлардан «Берлин», «Улуғ Ватан», «Ғалаба паради», «Оддий фашизм», «Номаълум уруш» каби кўплаб фильмларнинг яратилишида фойдаланилган. Уруш шароити ва аскарларнинг қаҳрамонларча



ЖУМЛАДАН

кураши ҳарбий операторларни мардликка ундаган. Кинотасвирчилар ўз ишининг қанчалик муҳимлиги, ҳаётнинг қайтарилмас лавҳаларини тасмага муҳраётганини яхши билишарди. Шунинг учун ҳам улар воқеаларни шунчаки репортаж усулида эмас, балки тўлиқ мазмунга эга хроника шаклида тасвирга олишга ҳаракат қилган. Буни уларнинг киносюжетларига берилган номлардан ҳам билса бўлади. Масалан, «Ржевск ғарбидаги жанглар», «Калинин фронтда қизил армиянинг ҳужумга ўтиши», «Белоруссия фронтдан», «Сталинград жанги» ва бошқалар. Ҳар бир сюжетга алоҳида ёзма изоҳли тавсиф берилиб, материаллар билан биргаликда марказга юборилган.

Урушда шарт-шароитлар барчага баравар бўлган, аскарларнинг маиший ҳаёти операторларникидан фарқ қилмаган. Ҳарбий қисмлардаги аскарлар доим ёнида бирга юрадиган, бирга овқатланадиган ва дам оладиган операторларга ўрганиб кетишган, ҳатто уларга аҳамият ҳам беришмас, ўша даврдаги камеранинг овози одатий ҳолга айланган эди. Шу боис тасвирга олинган кадрлар самимий, ҳаётини бўлиб чиққан.

Уруш ҳақида фильмларни томоша қилсак, кадр ортидаги оператор ҳақида ўйламаймиз, ёдимизга ҳам келмайди. Шундай кадрлар борки, аскарлар бошини бир зумга ҳам кўтармай, ёғилаётган ўқдан писиниб ётади, лекин бу пайтда оператор уларни яхшироқ кўриниши учун баландроқдан туриб тасвирга олиш билан овора бўлади. Шундай хавфли ҳолатда операторнинг ўрнидан туришини, албатта, вазифаси, бурчи тақозо этган, аммо бунинг учун мардлик ҳам керак эди. Оператор жангчиларнинг айнан мана шундай қил устидаги ҳолати орқали урушнинг ҳаққоний манзарасини томошабинга етказа олган.

Ҳар бир оператор махсус тайёргарликдан ўтиб, Ҳарбий қасамёд қабул қилган, бир қўлида камера бўлса, иккинчи қўлида қурол бўлган. Улар ассистентсиз ишлаган, камералар ихчам, қўлга мослашган, объективлари револьвер типиде учталиқ ёки битталиқ бўлган. Механизмлари мурватли пружина кучи билан 30 сония ишлаб бера олган. Киноплёнка кассетаси 30 ва 60 метрга мўлжалланган, бу тахминан 1-2 дақиқа тасвирга олиш имконини берган. Шунинг учун ҳам уруш хроникаси кўп ҳолларда қисқа ва лўнда тасвирга олинган, бу операторларни аниқ ишлаш, киноплёнкалардан унумли фойдаланиш, кадрларнинг муҳим ва қимматли нуқталарини кўра олишга

ўргатган.

Чанг, лой, сув ва ёмғир томчилари тасвирга олиш аппарати ва плёнкани ишдан чиқариши мумкинлиги операторларнинг масъулиятини янада оширган. Уларнинг тасвирга олинган материал билан қўшиб юборган изоҳли ёзма маълумотларида шундай сатрларга гувоҳ бўламиз: «Мураккаб жанговар ҳолатда, камера ва қўлларим лой ҳолатда тасвирга олинди, материал яроқсиз чиқиши мумкин». Тарихий хроника кинокадрлар ўша давр манзаралари, факт, воқеа-ҳодисаларнинг қачон, қаерда ва қандай юз берганини яққол кўрсата олади. Ўша даврлардан овозли синхрон тасвирга олиш амалиётга татбиқ қилинган, шу боис ҳам бугун айрим уруш манзараларини табиий овоз шовқинлари билан томоша қилиш мумкин. Жонли овоз тасвирнинг ҳаққонийлиги ва ҳаётлигини янада оширган, қаҳрамонларнинг характерини очиб берган, айниқса, нутқ сўзлаганларнинг шижоати айнан овози орқали томошабин кўнглига етиб борган.

Синхрон тасвирга олиш доим ҳам бўлмаган, чунки унинг мураккаблигидан ташқари оператор ишига ва мобиллигига ҳам халақит қилган. Ҳарбий тасвирчиларнинг шундай камёб кинокадрлари борки, уларни томоша қилганда, урушдаги ғалаба нималар эвазига эришилганини тушуниш мумкин. Операторларнинг ҳалок бўлиши олдидан тасвирга олган сўнги кадрлари улар ҳаётининг охиригидан сониялари эвазига бизгача етиб келган. Бундай кадрлар вужудни титратади, фронт оператори ишининг асл моҳиятини очиб беради. Уруш йилларида кинокамера қўлидаги асосий қуролга айланган ҳарбий кинооператорларнинг ҳар тўртинчиси ҳалок бўлган, ҳар иккисидан бири оғир ярадор бўлган, қолганлари ҳам турли жароҳатлар олиб қайтган.

Ҳозир ўша фахрий ҳарбий кинооператорлардан бирортаси орамизда йўқ. Маматқул Арабов 1999 йили, Малик Қажумов 2010 йили вафот этди. Охириги ҳарбий кинооператор москвалик Борис Соколов 2019 йилнинг 16 январиде оламдан ўтди. Улар томонидан тасвирга олинган Иккинчи жаҳон уруши хроникалари, ҳар бир кадри инсоният учун сабоқ бўлиб, тинчликнинг қадрига етиш, бундай мудҳиш урушни такрорламасликка даъват этади.

Зинур БОЗОРОВ,
«Шон-шараф»
давлат музейи
кичик илмий ходими

«Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!»

Мустақиллик – олий неъмат. Унда саодат бор, замирида тинчлик, хотиржамлик, фаровонлик ва эркинлик мужассам. Истиқлол балққан Ўзбекистон бу йил ўзининг 30 йиллик таваллудини нишонлайди. Шу муносабат билан юртимизнинг барча туман ва шаҳарларида, энг олис гўшаларда «Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!» шиори остида байрам шукуҳи кезиб юрибди.

Ана шундай тadbирлардан бири Шимоли-ғарбий ҳарбий округга қарашли Нукус гарнизонидаги энг олис ҳудудда жойлашган ҳарбий қисмлардан бирида «Маънавият фестивали» доирасида «Маърифат соатлари» ташкил этилди.

Унда Республика Маънавият ва маърифат маркази «Маърифат» тарғиботчилар жамияти аъзоси, фалсафа фанлари доктори, профессор Жамила Шермухамедова, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Ўктам Мирзаёр, Лондонда бўлиб ўтган халқаро танлов совриндори, Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа ва санъат

жумладан, сўнги йилларда олиб борилаётган кенг ислохотлар ҳақида сўз очиб, республикада амалга оширилган қатор ўзга-



ришлардан гапиришди. Сўнги йилларда Қуролли Кучларимизни қайтадан ислох қилиш натижасида мазкур ҳарбий қисм янгича қиё-



фада энг замонавий кўринишга эга бўлди. Ҳарбий қисм гарнизоннинг энг олис туманида жойлашган бўлишига қарамасдан, барча шароитларга эга. Маънавият улашувчилар

институтининг 2-босқич талабаси Махсума Умрбекова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Меҳмонали Салимов ва Асатилла Холиқов қатнашиб, ҳарбий хизматчилар ҳамда Нукус тумани ёшлари билан ижодий суҳбат қуришди.

Юртимизнинг таниқли инсонлари билан жонли ижодий мулоқот иштирокчиларда катта таассурот қолдирибгина қолмасдан, чин маънодаги маънавият ва маърифат соатига айланди.

Меҳмонлар ўз нутқларида мустақиллигимиз,

ҳарбий қисм шароитлари билан яқиндан танишиш чоғида, буларнинг бари истиқлол шарофати ва Президентимиз томонидан олиб борилаётган оқилна ва одилна сиёсатнинг намунаси эканлигини таъкидлаб ўтишди.

Учрашув ижодий кечага уланиб кетди. Меҳмонлар ўзларининг дил сўзларини қайноқ қўшиқлар ила изҳор этган бўлса, ҳарбийлар қувончини саф ҳамда қўл жанги кўргазмалари чиқишлари билан намойиш қилишди.

Тadbир давомида ўқувчи-ёшлар учун ҳарбий қисмда қурол-аслаҳа намойиши ташкил этилди.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати

ОФТОБ УРИШИДАН САҚЛАНИНГ!

Одатда, инсон танасида жисмоний ҳаракат натижасида иссиқлик ҳосил бўлиб, ўртача оғирликдаги меҳнат билан шуғулланганда соатига 300 килокалория, оғир меҳнат билан шуғулланганда эса соатига 600 килокалория ва ундан кўпроқ энергия ишлаб чиқаради. Соғлом одам организми ўзгариб турадиган ташқи муҳит ҳароратига яхши мослашади. Чунки организм тана ҳароратини бир маромда турғун сақлаши асосан терлаш ҳисобидан танадаги сувнинг буғланиши натижасида танани совитиш хусусияти орқали амалга оширади. Ҳаддан ташқари терлаш оқибатида инсон танасидан бир кун мобайнида 10 литргача сув йўқолиши мумкин. Бу илмий, тиббий тилда терморегуляция, яъни танадаги ҳароратни бошқариш дейилади. Тананинг ҳаддан ташқари қизиқ кетиши ва терлаши оқибатида организм бироз сувсизланади ва 2 соат мобайнида организмдан 10 граммгача натрий хлорид тузи чиқиб кетади. Офтоб уришига олиб келувчи омиллар вақтида овқатланмаслик, танада ҳосил бўлган чанқоқлик ҳиссини вақтида қондирмаслик натижасида қон қуюқлашади, минерал тузларнинг мутаносиблиги ўзгаради ва марказий асаб тизимининг турли бўлимлари фаолияти бузилишига олиб келади. Бу ҳолат барча органларда ўзгаришларни юзага келтиради, айниқса, бош миёда ҳаво этишмаслиги, яъни кислород танқислиги сабабли инсоннинг тез-тез хомуш тортиши, ҳолсизланиши ва бошқа аломатлари кузатилади.

Куннинг иссиқ вақтларида ҳаво ҳарорати 37 даражадан

юқори жойларда юриш, ишлаш ва машқлар билан шуғулланиш, узоқ вақт мобайнида ҳаво ўтказмайдиган, фаслга номуносиб кийиниш натижасида танада терморегуляция жараёни издан чиқади. Нам ҳавода терлаш фаолияти бузилади, терморегуляция тобора кийинлашади. Бунинг натижасида, офтоб урган одамда оғиз қуриш, чанқаш, лоҳаслик каби бирламчи белгилар пайдо бўлиб, боши оғрийди ва айланади, қулоқлари шанғиллайди, қорин мушаклари тиришиб тортишади, тана ҳарорати 38-40 даражагача кўтарилади. Оғир ҳолатларда кўнгил айнийди ва қайт қилади. Баъзан алаҳлаб, ҳушидан кетиши мумкин. Бундай ҳолларда кўз қорачиқлари кенгайди, нафас олиш тезлашади, томир уриш сони бир дақиқада 140-160 тагача (меъёрда 70-72 та бўлиши керак) етиши мумкин.

Офтоб уришида қуйидаги тадбирларни қўллаш тавсия этилади:

– офтоб уришининг биринчи белгилари намоён бўлган заҳоти зудлик билан тез ёрдам чақириш ва жабрланувчига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш;

– офтоб урган киши-ни соя-салқин, яхши шамоллатиладиган, одам кўп тупланмаган,

намлик даражаси юқори бўлмаган жойга олиб ўтиш;

– бўйин ва кўкрак қафасини сиқиб турган кийимларини ечиш, салқин ичимлик ичириш, юзини совуқ сув билан ювиш;

– кўнгил айниб қусган бўлса, қусуқлардан тозалаш, новшадил спиртини ҳидлатиш;

– бошини баландроқ кўтариб ўтқизиш, орқаси билан суянчиққа суяб ётқиши;

– бошига, айниқса, йирик қон томирлари ўтадиган соҳа, яъни бўйиннинг икки ёни, қўлтиғи ва чов соҳасига музли халтача, совуқ сув солинган шиша ёки бир марта ишлатиладиган идиш қўйиш;

– ҳушсизлик ҳолатида нафас олиш ва юрак уришини текшириш;

– юрак урмаётган ҳолларда сунъий нафас бериш ва юрагини массаж қилиш лозим.

Шуни унутмаслик зарурки, қизиган ва қизарган терига спирт ёки ароқ суртиш асло мумкин эмас. Чунки у теридаги майда тешикчаларнинг оғзи беркилиб қолиши, тери юзасининг куйишига олиб келади ва танадаги иссиқликнинг ташқарига чиқишига тўсқинлик қилади. Натижада организм қаттиқ қизиқ «димланади», нафас олиш жараёни қийинлашади, ҳатто юрак фаолияти тўсатдан бузилиб, тўхтаб қолиши ҳам мумкин. Юрак ва қон томирлардаги ўзгаришлар

офтоб ургандан кейин бир неча дақиқа ўтгач намоён бўлишини асло унутманг.

Офтоб урган одамнинг умумий аҳволини диққат билан кузатиш, шошилиш ва зарур тиббий ёрдам кўрсатиш беморнинг бош миё ва бошқа аъзолари меъёрий фаолият-

тининг бузилмаслигига олиб келади. Қолаверса, энг аввало, очиқ жойда ишлаганда, дала машқлари ва ички хизматни ўташ ҳамда кенг дала, тоғ, дарё, қўл бўйига борганда энгил, ҳавони яхши ўтказадиган кийим кийиш, бошни офтобдан сақлаш лозим бўлади.

Офтоб уришининг олдини олиш учун тана ва бошни кийим-бош, кўзларни қўёшдан сақловчи кўзойнак ёрдамида муҳофаза қилиш, иссиқ шароитда оғир жисмоний машқлар қилмаслик, ҳаво ҳарорати 37 даражадан ошганда, зўриқиб ишламаслик, шахсий таркибни жанговар ва жисмоний дала-ўқув машқларини ўташ олдидан тиббий кўриқдан ўтказиш ва керакли кўрсатмалар бериш, машқ майдонида чиқиш ва машқ давомида 10-15 дақиқа тик қуёш нуридан ҳимояланган жойда дам олишига рухсат бериш ҳамда машғулотдан сўнг ҳарбий шаҳарча ва дала-ўқув майдонларида ёзги душ қабул қилишга шароит яратиш керак. Бундан ташқари, ҳар бир ҳарбий хизматчи сув ичиш тартибига қатъий риоя қилиши, яъни иқлими ўрта ҳароратли ҳудудда кунига 2-2,5 л, иқлими иссиқ ҳароратли ҳудудларда эса 4,5-5 л гача қайнаган сув, чой ичиши ва овқатланишда калорияси юқори таомларни куннинг салқин вақтларида истеъмол қилиш зарур. Чой, мевали ва бошқа салқин ичимликлар ичиш, салат ва бошқа маҳсулотлар истеъмол қилиш орқали организмда сув, минерал тузлар, танадаги суюқликнинг зарур миқдордаги мувозанати ва мутаносиблиги сақланиб турилишини таъминлайди. Дала машғулоти, очиқ ҳаводаги ҳарбий машқлар ва ҳўжалик ишларини куннинг иссиқ вақтларида (соат 12.00 дан 16.00 гача) чегаралаш зарур. Иссиқ кунларда сув ҳавзалари бўйида узоқ вақт сув ва ҳаво ванналарини қабул қилишда жуда эҳтиёт бўлиш лозим.

Ўзингиз ва яқинларингиз соғлиғига бефарқ бўлманг!

**Тиббий хизмат майори
М. ЯРАЛОВА,
Мудофаа вазирлиги
Санитария-эпидемиология
назорати маркази
бўлинма бошлиғи**

Бу қизиқ!

АНОМАЛ ҲАВО ҲАРОРАТЛАРИ

Бир вақтлар иқлим ўзгариши оқибатида Ер юзининг турли минтақаларида содир бўлган табиат ҳодисалари бизни хайрон қолдирган бўлса, табиатнинг бу инжиқликлари бугун ўзимизнинг ён-атрофимизда рўй бермоқда. Иқлим ўзгаришлари давлатларнинг иқтисодий, транспорт ва логистика тармоқлари ҳамда инсон саломатлигига жиддий таъсир ўтказди. Қуйида юртимизда ва дунёдаги рекорд даражали аномал ҳаво ҳароратлари ҳақида маълумот берамиз.

2018 йил 1 август. Сеулда сўнгги 111 йил ичидаги энг юқори иссиқ об-ҳаво – 39,6 даража қайд этилган. Жазира иссиқ сабаб мамлакатда жами 29 киши ҳаётдан кўз юмган эди.

2018 йил 25 июль. Кумага яхшида Япония учун рекорд бўлган – 41,1 даража иссиқ об-ҳаво ҳарорати қайд этилган. Оқибатда жами 125 нафар япониялик иссиққа дош беролмай ҳаётдан кўз юмган.

2019 йил 24 июль кунини Нидерландияда 38,8 даража ҳарорат қайд этилиб, рекорд ўрнатилди. Аввалги рекорд 1944 йил 23 август кунини кузатиладиган бўлиб, ўшанда ҳавонинг иссиқлиги 38,6 даражани ташкил этган.

Айнан ўша йили рекорд даражадаги юқори ҳарорат Бельгияда ҳам қайд этилган. Метеостанциялардан бирида термометр устуни 38,9 даражагача кўтарилган. Бу 1833 йилдан бошланган метеокузатувлар тарихида Бельгиядаги энг баланд ҳарорат эканлиги айтиб ўтилган.

2021 йил ўзининг иқлим кўрсаткичи билан турли жабҳаларда рекорд ўрнатмоқда.

Ўзбекистонда 2021 йил январидagi қаҳратон совуқ сўнгги 10 йилда биринчи марта кузатилди.

Грецияда январь ойининг ўрталарида ҳаво ҳарорати 25 даражагача кўтарилди. Дунёда сўнгги 50 йил ичидаги энг иссиқ ҳаво рекорд сифатида январь ойида қайд этилди.

Мадридда сўнгги ярим аср ичида энг кучли қор ёғиши кузатилди. Кучли ёғингарчилик туфайли 4 киши ҳалок бўлди. Шаҳар ҳаракатсиз қолди. 50 йилда биринчи марта Испания қорга кўмилди.

Пекинда январь ойида ҳарорат -20 даражага тушиб кетди. У ерда бундай совуқ

1966 йилдан буён биринчиси эди.

Японияда кучли қор ёғиши туфайли 500 дан ортиқ авиарейс бекор қилинди. Жами 8 киши ҳавонинг кескин совиши сабабли ҳалок бўлди.

2021 йил 18 февраль. Тошкентда ҳарорат 25,6 даражагача кўтарилиб, рекорд ўрнатилди, бу 1894 йилда кузатилган энг юқори ҳароратга нисбатан 3,8 даража баланд эканлиги билан аҳамиятли.

Метеорологларнинг таъкидлашича, охириги 3 йилликда Ўзбекистонда 150 йил ичидаги энг иссиқ об-ҳаво кузатилади.

**Интернет материаллари асосида
Ш. ЭГАМБЕРДИЕВ тайёрлади.**

МУЛОҲАЗА УЧУН МАВЗУ

ТАТУИРОВКА

одамзод танасидаги иллат


Юракка санчилган ханжардан тим-тим оқайтган қон...

Ўлжасига чангал солишига шайланаётган бургут...

Тун мисол қоронғилашиб кетган ва гўё шу тун каби қўёшнинг заррин нурларини ҳеч қачон кўришга муяссар бўлмаган нигоҳдан томаётган кўзёшлари (гўёки қалб муз исканжасида қолгану, уни эритиш учун ҳеч қандай тафт йўқ...)

Кўзларидан нималарнидир айтмоққа чоғланаётган, аммо тил-забони қўшиб тикилган аёл...

зиққон йигит эдим, – дейди қўшним Исомиддин ака Норкувватов. – Собиқ иттифоқ даврида бизнинг йигитлар асосан узоқ мамлакатларда хизмат қилар эди. Тақдир тақозосини қарангки, бизни Бойқўнғир космик аэродромига олиб кетишди. Мана бу елкамдаги татуировкани кўряпсизми? Уни ёшлиқ қилиб ўша ерда чиздирганман. У пайт-



Шу нуқтаи назардан юртимизга кириб келаётган хорижий кино ва муסיқий клиплар ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатаётгани ачинарли ҳол. Татуировка ва унинг татуаж турини ёшлар орасида

оммалаштиришда айрим эстрада хонандаларининг ташқи имижига билан қилинаётган тарғибот гўё оловга ёғ сепиш билан баробар. Интернет сайтларида берилаётган татуировка ва татуаж тури ҳақидаги рекламаларни эса гапирмасам ҳам бўлаверди. Ундаги рекламалар татуировкаларнинг ёшларимиз орасида авж олиб кетишига сабаб бўлаётгани рост.

ЛАЪНАТЛАНГАН ПАРДОЗ

Ҳозирда гўзаллик салонларидаги татуировка ёки татуаж хизматидан фойдаланаётган гулюз-

ли ўзбек қизлари аслида ўз истаги билан жар ёқасига бораётганини билишадими? Келинлик мақомига эришганида, юзига татуаж қилдириши қайси миллий урф-одатларимизга тўғри келади? Ҳатто асрлар давомида инсониятнинг эзгуликка етаклаган диний қадриятлари ҳам бу каби қўштирноқ ичидаги бадий санъатга нисбатан қатъий муносабат бор. Абдуллоҳ ибн Маъсуд рози-аллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳусн учун игна билан аломатлар чизувчи ва чиздирувчи, қош терувчи, тиш орасини кенгайтирувчи аёлларга (яъни Аллоҳ таоло яратган аъзоларни ўзгартирувчи аёлларга) Аллоҳ таолонинг лаънати бўлсин!» дедилар (Имом Бухорий ривояти, 5 948-ҳадис).

Татуировка юқорида келтирилган халқлар учун улар ўтмишидаги ўзига хос миллийлик бўлиши мумкин. Бироқ бизнинг тарихимизга тегишли бўлган қайси манбага мурожаат этманг, татуировка ҳақида бирор ижобий маълумот топа олмайсиз. Оддий мисол: тилимизда ҳам бу ибора моҳиятини англатувчи муқобил сўзни топа олмайсиз. Шундай экан, ҳар ким, ҳар бир халқ ўз қадриятларида мақбул иш қилгани маъқул.

Шерзод ЭГАМБЕРДИЕВ,
ЎзЖОКУ ҳарбий журналистика йўналиши талабаси

Турли мамлакатларда татуировкаларнинг оммалашшиши



Ё алҳазар! Бунчалар кўнгилини хуфтон қилмасам бу суратлар! Ҳаётнинг фақат қоронғи томонлари тасвирланган бу каби расмлар қаерда, қандай, нимага чизилган экан, дейсизми? Инсон танасига!

Танага ишланган бу каби расмлар, яъни татуировкалар ҳақида билсангиз керак? Эҳтимол, ўз кўзингиз билан ҳам кўргандирсиз. Айниқса, ёз ойлари бошланиб, қуёш тафтига чидолмаганлар эгниларидаги кийимларини бирин-кетин еча бошлайди. Улар билагига, елкаларига чизилган расмлар эътиборни тортмай қолмайди, албатта. Кўпроқ жамоат

транспортда юрганнингизда бундай инсонларга кўзингиз тушади. Шу ўринда бир савол туғилади. Нимага одамзод танасига расм чиздиради? Бунда бирон мантқиқ борми? Шу каби саволлар кишини татуировка ҳақида мулоҳаза юритишга ундайди.

Қадимда Япониянинг Хокайдо оролидаги маҳаллий аёллар юзи, лаби ва қовоқларини игна орқали турли кўринишдаги суратлар билан безаган. Бу уларнинг оилавий аҳволи, фарзандлари сони, жисмонан чиниққанлиги ва рўзғор ишларида қанчалик қобилиятли эканлигини англатарди.

Қадимги Янги Зеландиянинг маори қабиласи ўз жангчиларининг юзини тату ниқоби билан безатишган. Улар тату ниқобини «моқко» сўзи орқали талқин этарди. Агар жангчи қазо қилса, унинг юзи кесиби олиниб, нодир ашё сифатида сақлаб қўйилган. Бу жангчига бўлган олий ҳурмат-эҳтиром намунаси саналар эди. Қадимги Юнонистонда эса қочқоқ маҳбусларни оддий аҳолидан ажратиш учун уларнинг юзларида ҳар хил расмлар солишган.

ГЎЗАЛЛИК ОРТИДАГИ ЁВУЗЛИК

Глобаллашув асрида кишилар онгида миллий урф-одат, маънавият ва қадриятга нисбатан айрича муносабат шаклланди. Дейлик, аслида инсонни таҳқирлашдан лаззат олишни ўзининг асосий йўналиши деб белгилаган, садизм аломатлари уфуриб

турган, амалда эса ёшлар ўртасида урфга айланаётган айрим номутаносиб хатти-ҳаракатларга қўштирноқ ичидаги замонавий «фикр эгалари» гўзаллик дея таъриф берапти. Хусусан, кўча-кўйда танасига турли белгиларнинг акси туширилган суратни кўз-кўз қилиб юрган йигит-қизларимизни кўрамиз. Бу айни глобаллашув жараёнининг меваси эканлигига шак-шубҳа йўқ. Шу нуқтаи назардан бир қатор саволлар кишини ўйга толдиради. Ёшларимиз татуировка аслида маънавий бузуқ бўлган «гот» ва «эмо»лар ташқи кўринишидаги белгилар эканини билармикан?

XX асрда вужудга келган гот ва эмоларнинг онгида ўлим ҳаётдан устун туриши, ҳар бир шахс негатив дунёқараши билан бахтли бўлиши каби тушунчалар пайдо бўлган. Кунини тунга алмашган, ғайритабиий маросимларни қабристонларда ўтказадиган, жинсий бузуқликни, гўзал ўлим топишни тарғиб қиладиган субмаданият эгалари тимсолига айланган татуировкани танасига чиздираётган ёшлар ўзлари билмаган ҳолда уларнинг сафдошига айланиб қолаётганини, бундай қизиқиш ва ҳаракатлар замирида нима яширинганлигини билишадими? Татуировканинг ҳар бир сеансида тахминан тери остига минг марта игна кириши, бунинг оқибатида эса 22 хил рақ касаллиги билан хасталаниш мумкинлигини-чи?

– Армияга чақирилган пайтим энди ўн саккизга қадам қўйган қи-

лари армияда бундай бемаънигарчиликлар урф эди. Хизматга бориб келган деярли ҳамма йигитнинг танаси бундай «безак»дан бебаҳра қолмаган. Ҳозир бундан роса афсусланаман. Невараларим елкамга чизилган суратни кўриб, қизиқиб нималигини сўраганида, жавоб беришга қийналиб қоламан. Бунинг тиббий ва диний томондан ножоизлигини кейин тушундим.

Дарҳақиқат, бугунги миллий армиямиз бундай номаъқулчиликлардан бутунлай йироқ. Йигитлик бурчини ўтаётган ҳарбий хизматчилар нафақат она Ватанига, балки миллий қадриятларига ҳам садоқат руҳида камол топмоқда.

Маълумотларга қараганда, татуировканинг асосан уч тури мавжуд бўлиб, улар:

«татуаж» – аёлларнинг лаб, кўз қовоқлари ва қошларига ранг, шакл ва сайқал берилган татуировка; «темпу» – муддатли татуировка; «менду» – Ҳиндистонда аёллар танасига эркакларнинг ҳирсини кўзгатиш мақсадида туширилган татуировка.

Хўш, татуировканинг турган-битгани зарар экан, унинг тарғиботи қай йўсинда амалга ошириляпти?

Биламизки, улғайиб келаётган ёш авлод шоу-бизнес олами намояндаларига, эстрада хонандалари, спорт юлдузларига ўхшашни, уларга тақлид қилишни исташади. Уларнинг ташқи имижидан тортиб, хатти-ҳаракатлари ҳам омма эътиборида.

БУГУННИНГ МАВЗУСИ

ДАСТУРХОНДАН «ЖОЙ ОЛГАН» ИНТЕРНЕТ

Оила, қариндош-уруғ даврасида ёзилган дастурхон атрофидагиларнинг эътибори айнан кўлидаги гаджетда бўлиб қолди. Ҳатто ақлини таниб улгурмаган гўдакнинг хархашасига чидай олмай унга қўл телефонимизни тутқазамиз ва бу билан уни овулгандек бўламиз, аслида унинг онги ва саломатлигига салбий таъсир ўтказётганимиз эътибордан четда қолади. Бола уч ёшгача бўлган даврда смартфонлар билан эмас, ота-онаси, бобо-бувиси ва бошқа оила аъзолари билан иложли бори-ча кўпроқ мулоқотга киришиши зарур. Чунки боланинг дастлабки тушунчалари, мия фаолияти, сўз бойлиги ҳамда бошқа руҳий ва жисмоний шиклатлари айнан шу даврда шаклланади.

Қўлда планшет ёки смартфон билан қимирламай ўтириш ҳаракатнинг камайишига сабаб бўлади. Бу эса ўз навбатида, жисмоний ва руҳий ривожланишдан ортда қолишга олиб келиши мумкин. Мазкур муаммо АҚШда кўзга яққол ташланмоқда. У ерда ҳар учинчи бола руҳий ёки жисмоний ривожланишдан ортда қолган ҳолда биринчи синфга борапти. Бу ҳолат унинг билим олишига таъсир ўтказмоқда. Жисмоний фаоллик жисмоний куч билан бирга ақлий фаолиятни ҳам яхшилайти ва болага диққатини жамлашга, ўрганишга ва ўрганганларини ҳаётга татбиқ этишга ёрдам беради. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ёш болалар томонидан электрон техникаларнинг қўлланилиши уларнинг ривожланишига ва билим олишига салбий таъсир қилади.

Компьютер ўйинлари ва видеоларга муккасидан кетган болаларда ортиқча

вазн тўплаш ҳолати 30 фоиз кўп учрайди. Бугун ҳар тўртинчи ёш канадалик ва ҳар учинчи америкалик ўсмир ортиқча вазндан азият чекмоқда. Бундан ташқари, уларнинг 30 фоизига қандли диабет ташхиси қўйилган.

Семизликдан азият чекаётган болаларга уларнинг ҳаётини кескин қисқартириб юборишга сабаб бўладиган эрта инсульт ва юрак хуружи каби оқибатлар доимий равишда хавф солади. Мутахассислар ота-оналарни фарзандлари вазнларини кузатишга ва болаларга компьютер ва смартфонлардан камроқ фойдаланишларини назорат қилишга чақириб бонг урмоқда. XXI асрнинг дастлабки авлод вакиллари ўз ота-оналаридан олдинроқ вафот этишлари хавфи жуда юқори.

Интернетга боғланиб қолиш боланинг «ёввойи» бўлишига ва унда турли фобияларнинг (бирор нарсдан қўрқиш ҳолати: денгиздан, қоронғилиқдан, баландликдан) ривожланишига олиб келади. Ушбу рўйхатни руҳий касалликларнинг кўплаб турлари билан тўлдириш мумкин: аутизм, мулоқот қилиш, фикрлаш қобиляти, жаҳлдорлик, омма орасида ўзини туттиш маданиятининг бузилиши, реал ҳаётдан узилиш.

Олимларнинг фикрича, интернетга тобе болалар тармоқ бўйлаб виртуал саёҳат қилаётганда вақтни унутиб қўяди, дастурхон атрофида эмас, монитор олдида овқатланади, бошқаларнинг мурожаатларига деярли эътибор бермайди.

Мутахассисларнинг фикрича, бола дунёқарашининг шаклланиши асосан унинг 4-5 ёшгача бўлган даврига тўғри келади. Ўтмишда бобо-бувларимиз 5 ёшгача бўлган болаларни «подшо» санаб, уларга алоҳида эътибор ва эъзоз билан муомалада бўлишган. Таниқли рус педагоги А. Макаренко оилавий тарбия хусусида қуйидагича

фикр билдирган: «Тарбиянинг асосий негизи 5 ёшгача бўлган даврда қурилади, демак, сиз 5 ёшгача нима қилган бўлсангиз, бу тарбиявий жараённинг 90 фоизини ташкил этади».

Мутахассислар кейинги даврда ёшлар руҳиятида худбинлик, мақсадга иложли борица осонроқ йўл билан етишишга интилиш, аввало, масъулият ва бурччи эмас, балки кўпроқ ҳуқуқни талаб қилиш хусусиятлари ортиб бораётганини таъкидлашмоқда.

Бундай ҳолатларнинг асосий сабабини оилавий тарбиянинг сустлиги, ота-оналарнинг доимо банд бўлиб, фарзандлар тарбиясига етарлича аҳамият бермаётгани билан изоҳлаш мумкин. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази «Ўсмирлар ўзи ва оиласи ҳақида» мавзусида тадқиқот ўтказди. Ижтимоий тадқиқотда мамлакатнинг барча ҳудудларидан 12-16 ёшли ўғил-қизлар иштирок этган. Маълум бўлишича, ўсмирларнинг 43,7 фоизи ўқув адабиётини ўқиш билан чекланар экан. Ҳар ўн иштирокчидан бирининг тан олишича, ўқув адабиётидан бошқа китоб ўқимайди. Қатнашчиларнинг ярми (ўғил болалар) кўпинча тенгдошлари билан суҳбат қуришдан, компьютер ўйнашни афзал билади, бу ижобий натижа эмас, албатта.

БМТнинг болалар жамғармаси UNICEF томонидан ўтказилган сўровлар натижаси интернетдан фойдаланадиган болаларнинг 90 фоизи ахлоқсиз сурат ва видеоларга дуч келиши, 60 фоизи эса бу турдаги ахборотни атайлаб излашни кўрсатмоқда. Статистик маълумотларга кўра, ҳар йили Ер юзидан 10 миллиондан ортиқ қиз 18 ёшга тўлмай

турмуш қураётгани, 16 миллиондан зиёд қиз ҳомиладор бўлиб қолаётгани, энг ёмони, бутун дунёда ҳар куни балоғатга етмаганларнинг 2 000 нафардан зиёди ОИТС вирусини юқтириб олаётгани маълум бўлди. Бунда мобил телефон ёки интернетдаги беҳаёликни тарғиб қилувчи ахборотларнинг таъсири йўқ деб ўйлаш мумкин?

АҚШнинг собиқ Президенти Ж. Картер: «Тарғиботларга сарфланган 1 доллар қуролланишга сарфланган 10 доллардан самаралироқ», деб бежиз таъкидламаган. Ахборот урушида инсон онги, миллат руҳияти нишонга айланади. Бу урушда бинолар зарар кўрмаса-да, одамлар ўлдирилмаса-да, моддий бойликларга шикаст етмаса-да, унинг мафкуравий, маънавий ҳамда руҳий зарари беқиёсдир.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда камол топаётган фарзандларимизнинг онгини салбий ахборотлардан муносиб ҳимоя қилиш мақсадида ёшларда ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш ва интернет тармоғида маънавий-маърифий, мафкуравий тарғиботни кучайтириш, уларни эзгулик ва маърифатга чорлайдиган маълумотлар билан таъминлаш, миллий кадриятларимизни ўзида акс эттирган интернет сайтлари, мультимедиа ва роликларни кўпайтириш зарур. Зеро, лойқа сувга барҳам беришнинг самарали усули тиниқ ва зилол сувларни кўпайтиришдир.

Интернет маълумотлари асосида майор Мансур ТАШМАТОВ тайёрлади.

«Бизда бир-биримиз билан алоқани йўқотиб қўймаслик учун электрон почта, факслар, уяли телефонлар бор, ammo инсоният ҳали ҳеч қачон бу қадар тарқоқ бўлмаган.»

Р. Шарма, «Ўлсанг, ким йиғлайди?» асаридан

ВИРТУАЛ МУҲИТГА ҚАРАМЛИК

Бугунги кунда интернет тармоғи ахборот алмашинуви учун тез, қулай ва арзон воситага айланди. Маълумотларда келтирилишича, дунёда интернет хизматидан фойдаланувчилар сони 2020 йил октябрь ҳолатига кўра 4,66 млрд кишини ташкил этиб, шундан 4,14 млрд аҳоли ижтимоий тармоқлардан фаол фойдаланади.

Экспертлар фикрича, турли деструктив кучлар ёшларнинг жамиятдан бегоналашувига ҳамда ижтимоийлашувига салбий таъсир этиш мақсадида интернет тармоқларидан кенг фойдаланаётганлиги кузатишмоқда. Улар замонавий ахборот-психологик таъсир технологияларидан шундай михирона фойдаланяптики, натижада ижтимоий тармоқлардаги манзилли гуруҳларда ёшлар тарбиясига салбий таъсир қилувчи контентлар миқдори ортиб борапти. Хусусан, «Telegram analytics» порталидан олинган маълумотларга кўра, телеграм ижтимоий тармоғида 3 144 та ўзбекча диний канал фаолият олиб бориб, ёшларнинг аксарияти ушбу диний каналлардаги маънавий ва психологик жиҳатдан салбий таъсир қилувчи ҳамда ёлғон ва асоссиз бўлган маълумотларни фаол кузатмоқда. Шунингдек, телеграм ижтимоий тармоғида «Videos», «Qizlar», «Madina» ва шу каби 11 848 та ахлоқсиз манбани тарқатувчи ўзбекча каналлар фаолият олиб бориб, ёшларнинг онгига ноодатий ахлоқ нормалари сингишига сабаб бўлмоқда. Эътиборли жиҳати шуки, обуначиларнинг сони 1 миллионга яқинни ташкил қилади.

Мутахассислар ёшларнинг виртуал маконда турли мантисиз гуруҳларга аъзо бўлиши, дўстлар ортириши, кўнгилочар ўйинларда иштирок этиши ўзларини виртуал оламнинг бир қисми деб ҳисоб-

лашига, улар ўртасида ижтимоий тармоқларга бўлган қарамликнинг кучайиши эса катта ва ёш авлод ўртасида ижтимоий қарама-қаршиликнинг юзага келишига, шу билан бир қаторда оилавий низоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётганини таъкидламоқда.

Ижтимоий тармоқларда назоратни кучайтириш ва мунтазам равишда мониторинг олиб бориш мақсадида хориж тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқ. Масалан, Хитой Халқ Республикасида ижтимоий тармоқлардаги салбий контентларга

➤ Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, мобил алоқа тизимида уланган абонентлар сони 26 млн 953,5 мингта ташкил этиб, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 10,8 фоизга ёки 2 млн 636,8 мингтага ошган.

➤ Шу жумладан, аҳолида 24 млн 795,4 мингта абонентни ташкил этган. 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 6,1 фоизга ёки 1 млн 424,1 мингтага ошган.



қарши курашда «Sina Weibo» тармоғи жорий этилган бўлиб, турли хил деструктив кайфиятдаги виртуал жамиятларни ташкил қилувчилар, норозилик кайфиятини шакллантирувчи хабар тарқатувчилар фаолиятига чек қўйиш мақсадида мунтазам мониторинг амалга оширилади.

«Sina Weibo» ижтимоий тармоғи томонидан янги рўйхатдан ўтган аъзоларига 80 балл берилди. Агар ижтимоий тармоқ фойдаланувчиси «ноқонуний виртуал ташкилотлар тузиб, кўпоровчилик билан шуғулланишга ундайдиган» ҳаракатларни амалга оширса ёки «қонунда белгиланмаган тартибда мажлислар ўтказиш ҳамда норозилик намойишлари ташкил қилиш билан шуғулланса» жазо тариқасида мавжуд 80 балдан маҳрум қилинади ва ижтимоий тармоқдаги аккаунти фойдаланувчилар рўйхатидан ўчириб ташланади.

Жанубий Корея Республикасида жамоатчилик онгига зарар кўрсатишга қаратилган ҳаракатларнинг олдини олиш ва уларни назорат қилиш мақсадида ижтимоий тармоқлар ва бошқа интернет сайтларида фақатгина ўзининг ҳақиқий исми ва фамилияси асосида рўйхатдан ўтиш талаб қилинади. Ҳар қандай никлар ёки ўйлаб топилган исмлар билан рўйхатдан ўтиш қатъий тақиқланади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ижтимоий тармоқлар ёшлар турмуш тарзининг виртуаллашувини ҳаракатлантираётган бирламчи омил бўлиши билан бирга, мессенжерлардан фойдаланувчи ёшларнинг хулқ-атворида ноодатий ахлоқ нормаларининг ҳам пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Ҳозирда ёшларда мобил ижтимоий тармоқларга нисбатан тобелик ҳолати ривожланаётганлиги уларнинг узоқ муддат давомида мессенжерлар маконида қолиб кетиши ва реал ижтимоий муҳитдан кўра, мобил ижтимоий тармоқларда муомалага киришишда ўзини эркин ҳис қилаётганлигида намоён бўлиб, аънавий кадриятларининг емирилишига сезиларли таъсир кўрсатиши билан бирга «оммавий маданият»нинг салбий кўринишлари ривожланиши учун воситага айланмоқда.

Отабек АБДИЕВ

ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ



ТАҚДИР СИНОАТИ

(воқеий ҳикоя)

Заршуноснинг тушкун кайфиятини биринчи бўлиб бовиси Рисолат хола сездди. Пойтахтдан қайтган набирасининг кўзларида соғинч учкунлари бўй кўрсатиб турган бўлса-да, ортида яна нимадир бор. Кўпни кўрган, ҳаёт дорилфунунида сабоқ олиб кексайган аёл меҳр ила унинг гўзал чехрасига термилди.

– Яхши етиб келдингми, қизим? Ўқишларинг яхшими? Кўзимга бўшашган кўриняпсан, тинчликми, болам? – Ажойибсиз-да, аяжон. Йўлда чарчаган-да, – Заршуноснинг ўрнидан жавоб қайтарди қизини кўриб турганидан боши осмонда Меҳридил опа. – Йўл азоби дейдилар, чарчоғи чиқса, ўзига келади.

– Яхшиман, бувижон, хавотир олмаганг, – дил дардини сўзсиз тушуниб етадиган бувисини яна бир бор бағрига босди қизгина. – Сизларга совғалар олиб келдим, укаларинг кўринмайди, – гапни бошқа томонга бурди у...

– Сиз ҳам иккинчи курсмисиз?
– Ҳа, шундай.
– Мен ҳам молия олийгоҳида иккинчи босқич талабасиман. Исмин Асрор.

– Меники Заршунос.
– Танишганимдан хурсандман. Бўлажак журналистман денг...

Пойтахтда таҳсил олаётган водийлик талабалар учрашувида икки ёш мана шундай танишган эди. Табиатан босиқ, дунёқараши кенг, интилувчан Асрор ва очиқ чехра, сўзамол, шеърятга меҳри баланд Заршунос тез тил топишди. Дўстлик боғида қад ростлаган меҳр дарахти аста-секин муҳаббат куртакларини тугди.

– Заршунос, жуда чиройли шеър ёзар экансиз, қойил. Агар газетада ўқиб қолмаганимда шоирлигингизни билмай юрардим, – учрашувлардан бирида хайратини яширмади Асрор.

– Раҳмат, қўлдан келганча...
– Бу гўзал шеърлар ичида менга аталгани ҳам борми?

Дугоналарига гап бермайдиган қиз йигитнинг саволи олдида забонсиз қолди.

– Шеърятга қизиқшингизни билмас эканман, – деди аста юзлари қизарган қўйи.

Бу унинг Асрорга бағишлаб шеър ёзганидан далолат эди. Буни пайқанган йигитнинг юзига ўзгача табассум югурди.

– Қачон эшитаман? – миннатдорлик асносида беихтиёр қизнинг қўларидан тутди...

– Андижондан дейсанми? – қошлари чимирилди Гулнора опанинг. – Уйлаб гапиряпсанми, ўғлим? Мен бошқа вилоятдан ўзим танимаган, зот-замарини билмаган одамларнинг қизини келин қиламанми? Даданг ҳаёт бўлганда ҳам майли эди. Кейин, биз шифокорлар сулоласиданми. Сен бизнинг касбимизни танламаганимга яраша, бўлажак келиним шифокор бўлса, дейман.

– Аяжон, Заршуносни икки йилдан буён танийман. Очиқ кўнгил, меҳрибон,

энг асосийси ориятли, ҳаёли қиз, – онасига ялинганнамо дилидагини тушунтиришга ҳаракат қилди Асрор. – Менга ўхшаб унинг ҳам ҳаёли ўқишда. Келажакда яхши журналист бўлади у. Шифокор бўлмаса ҳам...

– Гапни бошқа ёққа бурма, ўғлим, – унинг оғзидан сўзини олди онаси. – Менинг айтганимни қилсанг, кам бўлмайсан. Биласан, Тошкентдан водийга келин бўлганман. Отаннинг вафотидан кейин ёлғизликда... – Гулнора опа кўзига ёш тўлганча жим қолди.

Асрор ҳам бўғзига нимадир тикилди-ю, сўзсиз онасининг елкасидан кучди.

– Шунинг учун, – маълум фурсатдан сўнг гапини давом эттирди аёл, – тоғаларинг Тошкентда яшашимизни исташяпти. Ёнларидан уй ҳам топибди. Уканг билан сенинг келажакинг пойтахт билан боғлиқ, болам. Рози бўлсаларинг, аввал шаҳарга кўчиб, келиннинг маслаҳатини кейин қиламиз.

– Ҳозир уйланмайман, ая, магистратурага кирман, ишлаймаман. Бошқа режаларим ҳам бор. Ўзим пул топиб, кейин уйланаман. Фақат Заршунос ҳақида билишингизни хоҳлагандим, холос.

– Сенга дилимдагини айтдим, ўғлим. Розилигимни истасанг, келин танлашни ўзимга қўйиб бер. Албатта, сенга ёқса, келин қиламан. Аммо асло Андижонга совчи бўлиб бормайман. У қизни унут.

Асрор онасига қарши бошқа сўз айтмади. Отасидан бевақт айрилиқ сабаб сочига эрта оқ тушган, туну кун меҳнат қилиб, шифокорлик касби билан укаси Аброр иккисини оёққа қўйган волидасини ранжитишни истамади.

Йигит Заршуносни ўйлади дегунча, онасининг «у қизни унут», деган сўзи қулоғи остида садо бериб турар, аммо усиз ҳаётини тасаввур қила олмасди. «Майли, аямнинг айтгани бўлақолсин, – ҳаёлидан ўтказди Асрор. – «Заршунос билан учрашмай тураман. Лекин усиз...» Бошини икки қўли орасига олиб, ух тортди йигит.

Заршунос Асрорнинг ўзгариб қолганини дарҳол сездди. Тез-тез бўлаган қўнғироқлар негадир камнамо. Сўнги учрашувда йигитнинг ўйчан, камгап бўлиб қолгани уни янада безовта қилди.

– Асрор ака, мен ҳақимда онангизга айтдингиз, шундайми?

Асрор хомуш аста бош қимирлатди.

– Бундан чиқди, келинни ўзим танлайман, дейишган, яъни рози бўлишмаган.

– Заршунос, ҳали иккимизнинг олдимизда магистратура турибди. Ноумид бўлишимиз ноўрин. Аям сен билан бир марта суҳбатлашса, яхши

кўриб қолади, бунга ишонаман.

– Билмадим, балки, менинг ота-онам ҳам қарши бўлар, – ўйчан жавоб қайтарди тушкун ҳолдаги қиз. – Фақат бувимга сиз ҳақингизда айтгандим. Улар: «Қизим, сени яқинимизга узатгимиз бор. Шаънингни ҳаммаша пок сақла, ўткинчи ошиқларга ишонма», дейишганди ўшанда. Балки катталар ҳақдир.

Бунга жавобан Асрор бир оғиз ҳам сўз айта олмади. Фақат ичидан зил кетди. Шу бўлди-ю, икки ёшнинг орасига кўринмас айрилиқ ипи тортилди...

– Қизгинам, тақдирни илоҳий дейдилар, – тиззасига бош қўйиб унсиз йиғлаётган набирасининг сочларини силади Рисолат хола. – Йиғлаб ўзингни койитма, болам. Агар тақдиринг ўша йигит билан бўлса, бунга ҳеч ким, ҳеч нарсаси тўсиқ бўла олмайди. Яхшилаб ўйлаб кўр. Қишлоғимизда, қариндош-уруғлар ичида сени келин қиламан деб, ўқишинг тугашини кутиб турганлар қанча. Балки шуларнинг бирортасига...

– Бувижон, ўқишимни давом эттирмоқчиман, – йиғидан тўхтаб бошини кўтарди Заршунос. – Тўғри айтасиз, энди асло йиғламайман, – жиддий қиёфага кирди у. – Магистратурага кириб олсам, сиз айтган совчилардан мени ўқитадиган бирорта мардига турмушга чиқаман...

– Янги уй ёқдим, ўғилларим? – туғилиб ўсган шаҳрига кўчиб келганидан боши осмонда Гулнора опа мамнун қиёфада сўради болаларидан. – Нима бўлганда ҳам пойтахт-да, ҳамма шароитлар муҳайё.

– Менга ёқди, хоналари кўп экан, – кайфияти чоғ жавоб қайтарди Аброр. – Мактабдаги синфдошларим билан ҳам тез дўстлашиб олдим.

– Асрор, неча кундан буён қоғонинг очилмайди, сенга нима бўляпти, ўғлим?

– Ҳаммаси жойида, фақат отам қурган, катта бўлган хонадонимизда энди бегоналар яшашини ўйласам...

Асрор бошқа сўз айта олмади, хонасига кириб кетди. Аслида, йигитнинг кўксига бир дард эмас, икки дард чанг солаётганди. Бирини ота уйдан айрилиқ бўлса, иккинчиси севгилисидан. Ҳижронга ортиқ дош беришни истамаган йигит Заршуносга қўнғироқ қилди. Жавоб йўқ. Унинг яна ва яна қилган қўнғироқлари ҳам жавобсиз қолди. «Тинчликмикан, у ҳозир магистратурага имтиҳон топшираётган бўлиши керак». Юраги безовта йигит эртасига қиз турган ётоқхонага борди. Сўнгра ўқиган олийгоҳига. Уни топа олмагач, Андижонга йўл олди...

Пойтахтдаги катта шифохонага

ишга жойлашган Гулнора опанинг эса ишлари юришиб кетди. Магистратурада ўқиб, банкда фаолият олиб бораётган хушсурат ўғлига нуфузли хонадонлардан келин излай бошлади. Асрорнинг Заршунос билан аҳду паймон қилганидан беҳабар аёл ўғлига шифокор келин топди.

– Ўғлим, эртага учрашувга чиқсан, – юзида табассум ила суюнчиларди Гулнора опа. – Қандай хонадонга кув ё бўлаётганингни билсанг эди. Бадавлат, нуфузли оиланинг ёлғизгина қизи. Унинг гўзаллигини айтмайсанми, бир кўришда сенга ёқади.

– Аяжон, мен ҳеч қандай учрашувга чиқмайман, – совуққон жавоб қайтарди Асрор. – Уйлансам, фақат Заршуносга уйланаман.

– Нима? Бу гапни қаёқдан олдинг?! – тутатиб кетди кибр отига минган она. – Мен сенга вилоятдаги қаланғи-қасанғилардан келин қилмайман, деб неча мартаба айтдим! Менинг сабримни синама, бола! Ё мен айтган қизга уйланасан, ёки онангдан воз кечасан!..

Қаттиқ асабийлашган йигит тонгга қадар ухлай олмади, азобли хаёллар ичида тўлғаниб чиқди. Эрта тонгда эса... Эрта тонгда йигитнинг қўлини оппоқ доғлар босиб кетганди. Уни кўриб Гулнора опанинг хуши бошидан учди. «Нега, нима учун бундай бўлди? Наҳотки, шундай кўркам ўғлим...» У шифокор сифатида халқона тилда «пес» дея аталувчи бу ёқимсиз доғлар ҳадсиз сиқилиш ҳосиласи эканини билиб турарди.

– Болам, асло сиқилма, вақтида қаратиб-кўрсатилса, ўтиб кетади. Ҳозирок керакли мутахассисга учраймиз.

Вужудидаги бу ҳолдан қарахт бўлиб турган Асрор онасининг далдасига ишонгиси келарди. Аммо бу дарддан бирорта инсоннинг халос бўлганини эшитмаганди. Гулнора опа билан қуда бўлишга розилик билдирган нуфузли хонадон йигитдаги тери касаллигидан хабар топган заҳоти «эшигини ёлди».

Асрор шу кундан бошлаб Заршуносдан йироқлашини бошлади: «Энди мен унга муносиб эмасман. У соғлом йигитга турмушга чиқиши керак...» Асрордан хат-хабар йўқлиги севгиси синондан ўтган қизни йигит томон етаклади: «Асрор ака қўнғироқларимга жавоб бермаяпти. Бу ерда бир гап бор...»

Заршунос Асрор билан учрашганда касаллик унинг юзига қадар чанг солганди. У йигитни кўриб, сўзсиз қотиб қолди.

– Мана, шоирона айтганда, видео онлари келди, Заршунос, – синиқ жилмайди йигит. – Бу охириги кўришимиз.

– Мени шу қадар бевафо деб ўйладингизми, Асрор ака? – кўзлари ёшга тўлди қизнинг. – Бир-биримизга бизни фақат ўлим айиради, деб ваъда бермаганмидик?..

Ҳаёт синоатларга бой. Заршунос ўқишдан қўли бўшади дегунча, Асрор билан шифокорлар ва табиблар хузурида бўлар, унинг муолажаларини назорат қилишдан чарчамасди. Эзгу умидлар, ҳаракатлар, илтижолар... Кутилмаган дард аста-секин ортга чекина бошлади.

Икки ёшнинг никоҳи арафасида Асрор бу дарддан бутунлай халос бўлди. Гулнора опа кўзида қувонч ёшлари ила садоқатли болалари учун дуога қўл очди...



Зулфия ЮНУСОВА,
«Vatanparvar»

УЧРАШУВ

УНУТИЛМАС ТААССУРОТЛАРГА БОЙ

Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармаси мутахассислари Термиз, Сариосиё ва Хайробод гарнизонларидаги ҳарбий қисм ва муассасаларнинг ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзолари иштирокида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказди.



Қизиқарли ва самимий руҳда ўтказилган тадбирлар давомида ҳарбий хизматчиларнинг оилалари ва фарзандлари ўртасида турли психологик ва спорт ўйинлари уюштирилди. Термиз давлат университети психологлари томонидан тренинглар ташкил этилди. Инсонни янги марралар сари руҳлантирадиган, юрак тўридан жой олган, Ватан туйғусини мустаҳкамлайдиган бу каби тадбирларда каттаю кичик фаол иштирок этди.

Шунингдек, инсон заковатини юксалтириш билан бир қаторда кўнгилларга кўтаринки кайфият бахш этадиган интеллектуал ўйинлар, концерт дастурлари, санъат усталарининг ижодий чиқишлари ҳам ўзига хос ва таассуротларга бой бўлди.

– Бугунги кун менга унутилмас онларни ҳаёда қилди, – дейди капитан Абдумурод Назаровнинг фарзанди Азизбек Абдунабиев. – Спорт



ўйинларида мен ҳам иштирок этдим. Биз бу шаҳарга яқинда келганмиз. Ҳали тенгдошларимни тузук-қуруқ танимасдим ҳам. Мана шу тадбирлар баҳона улар билан танишдим, дўстлашдим. Ёзги таътилни янги дўстлар билан ўтказишни ўйласам, севиниб кетяпман. Бунинг учун тадбир ташкилотчиларидан миннатдорман.

Маънавий-маърифий тадбирлар давомида Ватан ҳимоячиларининг ахлоқий-руҳий ҳолатлари ҳам ўрганилди. Ҳарбий хизматчиларнинг мулоқот давомида айтган фикрларидан уларнинг ҳарбий хизматни ғайрат-шижоат билан ўтаётгани, қалбида юртга бўлган муҳаббат ва садоқат хиссининг юқорилиги яққол акс этди.

Зулфия МАНСУРОВА,
Мудофаа вазирлиги хотин-қизлар ва ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўйича бош мутахассиси

Ёшлар – ҳал қилувчи куч

Ижтимоий ҳимоя

ЭЪТИБОР БУ — ИМКОНИЯТ

Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлигида «Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!» шиори остида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Тошкент шаҳар кенгаши ҳамда ҳамкорликдаги давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, таниқли актёр ва санъат усталари иштирокида «Қўмондон ва ёшлар» учрашуви бўлиб ўтди.



Унда дастлаб қўмондонликнинг ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти томонидан 2021 йил биринчи ярим йиллиги давомида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботи тингланди. Истиқболдаги муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Қўшинлар қўмондони полковник Журъат Якубов эса мамлакатимизда ёшларга берилган эътибор, имтиёз ва имкониятлар ҳамда Қуролли Кучларимизда

ёшларга оид давлат сиёсатининг амалдаги ижросига тўхталиб ўтди.

Қўмондонлик тасарруфидаги ҳарбий қисмларда самарали фаолият олиб бораётган, нуфузли танловларда ғолибликни қўлга киритган, 2021 йил биринчи ярим йиллиги ва «Ёшлар ойлиги» доирасида ижобий натижаларга эришган Ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти аъзолари, шунингдек, республика, Осиё ва жаҳон чемпионатларида ғолибликни қўлга киритган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари рағбатлантирилди, уларнинг оналарига эҳтиром кўрсатилди.

– Бугун ёшларга кўрсатилаётган эътибор, ғамхўрлик ҳар қачонгидан-да юксак, – дейди «Энг яхши бошланғич ташкилот етакчиси» танловининг Мудофаа вазирлиги бошқармаси ғолиби катта лейтенант Бунёд Қаршиев. – Бу – имконият, ёшлик эса ўткинчи. Демак, имкониятдан вақтида ва тўғри фойдаланиб олиш керак. Дунёнинг ўткинчи нарсаларига чалғимай, ўз устида тинимсиз ишлаган, меҳнат қилган, истеъдодини ҳар томонлама намоиш қила олган ёшлар Ватаннинг эртанги тақдирини ҳал этади. Бундай катта ишга бош қўшиш, дахлдор бўлиш эса улкан бахтдир.

Тадбир сўнигида жаранг сочган куй ва қўшиқлар йиғилганларга хуш кайфият улашди.

Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги матбуот хизмати

2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Нукус ҳарбий госпитали вакиллари билан ҳамкорликда Нукус туманидаги чекка ҳудудлардан бирида аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиш ишлари амалга оширилди.

ОЛИС МАНЗИЛЛАРДА КЎРИК



Барча соҳа вакиллари каби Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари ҳам юртдошларимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, туман марказларидан узоқ масофада истиқомат қилаётган аҳолига амалий кўмак бериш учун бирдамликда, ҳамжиҳатликда қўйилган вазифаларни бажариб келмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасининг олис ҳудудларидан бири бўлган Нукус туманининг Кердер овулида ҳам хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Нукус шаҳридан чамаси 60 км узоқликда жойлашган

ушбу овулдаги 684 хонадонда 750 нафар оила истиқомат қилади. Жами 3 715 нафар аҳолидан 1 912 нафарини аёллар ва 1 456 нафарини болалар ва ёшлар ташкил этади. Овулда 4 оила «Темир дафтар»га киритилган бўлиб, улар билан тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Нукус ҳарбий госпиталининг малакали шифокорларидан иборат тиббий бригада томонидан овулда бир кун давомида тиббий кўриқлар ўтказилди. Жарроҳ, невропатолог, терапевт, онколог, окулист, акушер-гинеколог, педиатр, лор, дерматолог, стоматолог каби малакали мутахассислар томонидан ўтказилаётган чуқурлаштирилган тиббий кўриқлар давомида овул аҳли ультратовуш ҳамда ЭКГ текширувидан ўтказилиб, мобил лабораторияда қон таҳлили билан бир неча сонияда танишиш имконига эга бўлди.

Тиббий кўриқлар сифатини ошириш ҳамда аҳоли ва шифокорларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида Мудофаа вазирлиги раҳбарияти томонидан Нукус ҳарбий госпиталига тақдим этилган «КамАЗ» юк автомашинаси негизда юртимизда яратилган янги «Ҳарбий мобил тиббий марказ» мажмуаси ҳамда «ISUZU» махсус тиббий ёрдам автомашинаси имкониятларидан фойдаланилди.

Шифокорлар кўриги давомида 295 нафар аҳолининг саломатлиги текширилиб, 13 нафарига туман тиббиёт бирлашмасида стационар ҳамда 195 нафарига амбулатор шароитларда даволаниш учун йўлланмалар берилди.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати

КЕЧИРИШ

Кечира олиш ва кечирим сўраш бу комил инсонга хос хислатдир. Муносабатларни ҳал қилиш орқали сиз ўзингиздаги муаммоларни сезасиз. Бу эса сизни яна бир қадар ўзишингизга, ҳаётингизнинг янада гуллаб-яшнашига сабаб бўлади. Кечирини ёки кечирим сўраш орқали муносабатларни ҳал қилиш фақат ўша инсоннинг ўзи учун, яъни ўзингиз учун фойдалидир. Кечирини истасангиз, қўйидаги қадамларни онгли равишда қалбингиз билан ҳис қилиб кечиб ўтинг.

- Ҳар бир қадамни ўзингизга ўзингиз тушунтиришига ҳаракат қилинг, яъни англаган ҳолда бажаринг.
- Кечирини эҳтиёжингиз, хоҳишингиз борлигини тан олинг.
- Хафа бўлишни ўзингиз танлаганингизни тан олинг.
- Бўлиб ўтган воқеани борича қабул қилинг: воқеани оқ қоғозга ёзиб чиқинг. Сизни хафа қилган инсонга нисбатан даъвоингизни аниқ ёзинг.
- Ҳар қандай ҳиссиётни ҳис қилишига ўзингизга рухсат беринг ва меҳр-муҳаббат билан қабул қилиб, қўйиб юборинг.
- Сизни хафа қилган инсон сиз учун кўзгу. Сизга ёқмаган феълени аниқланг ва қабул қилинг.
- Бўлган воқеанинг ҳикматини аниқланг, миннатдор бўлинг.
- Ўзгариш сари бир қадам ташланг.
- Воқеага ва у инсонга муносабатни ўзгартиринг: яхшилик қидиринг. Янгиликларга тайёр бўлинг.

Сизда қайси витамин етишмайди?

1

3

5

2

4

6

1. Соғлом юз териси.
2. Юздаги тошмалар (ҳуснбузар) – **А** ва **Цинк (Zn)** витамини етишмаслиги
 - Пешонанинг тепа қисмига тошиши – ичакларда муаммо.
 - Бурун ва атрофига тошиши – юқори қон босими, доимий стресс.
3. Бурун атрофига тошмалар тошиши – **С, А, Е** витаминлари етишмаслиги.
 - Қош ва атрофига тошиши – жигарда муаммо.
 - Оғиз атрофига тошиши – ошқозонда муаммо.
4. Оқарган ва қуруқ юз териси – **А, В12, С** витаминлари, **темир (Fe)** элементлари етишмаслиги.
5. Ажинларнинг ёш ўтиши билан пайдо бўлиши – нормал ҳолат. Лекин уларнинг тез ва кўп ҳосил бўлиши **Е** витамини етишмаслиги.
6. Қовоқлар шиши – **Йод (I)** танқислиги.

ГЎЗАЛЛИК УЧУН



15 ДАҚИҚА Бўйин терисини ёшартиришга ниқоблар

1. Бўйин терисини ҳафтасига 2-3 марта зайтун мойи билан массаж қилиб туриш кони фойда. Бўйиндаги чизиқни йўқ қилиш учун сут ва сувни илиқ ҳолда олиб, унга сочиқ ботирилади ҳамда бўйинга компресс қилинг, бу яхши натижа беради.
2. Бир дондан сабзи ва олмани қирғичдан ўтказинг. Унга бир чой қошиқдан асал ва крахмал, 2 томчи зайтун мойи қўшинг. Тайёр массани бўйинга 10-15 дақиқа суртиб қўйгач, илиқ сувда ювиб ташланг.

УЙ ШАРОИТИДА МУЗҚАЙМОҚ ТАЙЁРЛАШ

Керакли масалликлар: 1 л ёғли сут, 250 г шакар, 2 дона банан, ванилин, маккажўхори крахмали.
Тайёрланиши: сутга шакар қўшиб, 7-8 дақиқа паст оловда қайнатилади. Бошқа идишда эса 100 мл сутга маккажўхори крахмали ва ярим чой қошиқ ванилин солиб, яхшилаб аралаштириб оламиз. Сўнг қайнаётган масаллигимизга қўшиб, яна 2-3 дақиқа қайнатамиз ва 1-2 соатга музлаткичга қўямиз. Музлаган массага 2 та бананни майдалаб, миксер қилиб оламиз. Ундан сўнг ҳар хил шаклчаларга қўйиб, музлаткичга соламиз. 5-6 соатдан кейин музқаймоғимиз тайёр.

Ёқимли иштаҳа!



ҲАРБИЙ ТЕХНИКА

МАХСУС ДАСТУР ДОИРАСИДА

Миналарга қарши кучайтирилган ҳимояга эга M-ATV типдаги зирҳланган автомобиль «Ошқош трак» компанияси мутахассислари томонидан MRAP-STV (Mine Resistant Ambush Protected – All Terrain Vehicle) дастури доирасида ишлаб чиқилган. Унга кўра, машинанинг оғирлик-габарит



тавсифларини оптималлаштириш, экипаж аъзоларини миналар ва қўлбола портловчи моддалардан юқори даражада ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилган. Автомобиль қуввати 370 от кучига тенг «Катерпиллер» С7 типдаги турбопуфлагичли дизель двигатели билан жиҳозланган. Машинанинг нотекис жойларда юриш вақтидаги оширилган ҳаракатчанлиги унинг конструкциясида «Ошқош» ТАК-4 типдаги янги мустақил илгич (подвеска) қўллангани ҳисобига таъминланади. Кучланиш қурилмаси шоссе бўйлаб максимал юриш тезлигини соатига 105 км.гача етказиш имконини беради, ёқилғи бўйича юриш захираси 510 км.ни ташкил этади. Зирҳланган автомобиль барча зарурий нарсалар билан таъминланган 4 нафар пиёда аскарни олиб юриш учун мўлжалланган. Кабина томига масофадан бошқарилувчи қурол модули ёки қўлда бошқариладиган пулемёт ўрнатилиши кўзда тутилган. Шунингдек, машина разведка ва кузатиш учун мўлжалланган оптик-электрон мосламалар ҳамда радио орқали бошқарилувчи портловчи мосламаларни бостириш аппаратураси билан бутланиши мумкин. М-ATVнинг узунлиги 6,3 метр, эни 2,5 метр, корпус томигача бўлган баландлиги 2,7 метр, жанговар оғирлиги 14,7 тонна, юк кўтариш имконияти 2,2 тоннани ташкил этади.

МНОГОФУНКЦИОНАЛЬНЫЙ ЭСМИНЕЦ

Эскадренный миноносец с управляемым ракетным оружием «Хух-Хото» ВМС Китая был заложен на верфи судостроительного завода «Цзяннань» в г. Шанхай, спущен на воду 26 декабря 2016 года и вошёл в состав ВМС НОАК 12 января 2019 года. Миноносцы данного типа предназначены для обеспечения противолодочной и коллективной противовоздушной обороны корабельных группировок, зональной ПВО районов базирования ВМС, борьбы с надводными кораблями и уничтожения наиболее важных целей в глубине территории противника. Полное водоизмещение корабля 7500 т, длина 157 м, ширина 18 м, осадка 6 м. Главная энергетическая установка, выполненная по схеме CODOG, включает два газотурбинных и два дизельных двигателя суммарной мощностью 48,3 МВт. Скорость полного хода 30 узлов, дальность плавания 4500 миль при экономической скорости 15 узлов. Экипаж 280 человек, включая 40 офицеров. Вооружение: две 32-ячеечные УВП для стрельбы КРМБ «Дунхай-10», ЗУР HQ-9, противолодочными управляемыми ракетами СУ-2, ПКР УJ-62, 130-мм автоматическая установка Н/РJ-38, 30-мм семиствольный ЗАК Н/РJ-12, два трехтрубных 324-мм торпедных аппарата, четыре 18-ствольные ПУ постановки пассивных помех. Также, эсминец обеспечен радиолокационными и гидроакустическими станциями различного типа. «Хух-Хото» оборудован площадкой и ангаром для базирования противолодочного вертолёта Ка-28 или Z-9С.



ОДИН ИЗ СОВЕРШЕННЫХ

По мнению западных военных специалистов, танк ZTQ-15 (VT5) является одним из совершенных китайских средних танков. По внешнему виду и габаритам эта боевая машина похожа на основной боевой танк ZTZ-99 (Тип-92), однако её масса на 20 тонн меньше. Характерными особенностями нового образца являются: модульное бронирование, клиновидная форма лобовой части башни, наличие встроенной динамической защиты и навесной брони. Последнюю планируется устанавливать в тех случаях, когда противник располагает большим количеством противотанковых средств ближнего боя.



В зависимости от состава применяемого комплекта навесной брони, боевая масса танка может быть в пределах 33-36 тонн. Экипаж три человека. Длина с пушкой вперед 9,2 м, ширина по боковым экранам 3,3 м, высота по крыше башни 2,5 м. Компьютеризированная система управления огнем позволяет вести огонь из танковой пушки днем и ночью по неподвижному и движущимся целям на расстоянии до 3000 м. Корпус и башня цельносварные из стальной катаной гомогенной брони. «Решетчатая» защита устанавливается только по бортам корпуса и башни. Танк оснащен силовым блоком, разработанным как единый силовой модуль. Блок включает в себя двигатель мощностью 1000 л.с., механическую трансмиссию, систему охлаждения и топливный бак.

РАЗВЕДКАЧИ- РОБОТЛАР

Франция армиясининг Қуруқликдаги қўшинларини сунъий интеллектдан фойдаланиш имконига эга бўлган ғилдиракли ва гусеничали разведкачи-роботлар билан таъминлаш режалаштирилган. Маълумотларга кўра, мамлакат Мудофаа вазирлиги томонидан 56 та аппаратдан иборат бўлган дастлабки партияни етказиб бериш бўйича биринчи шартнома имзоланган. Бу роботлар аввал Қуроллар бош бошқармаси мутахассислари томонидан синовлардан ўтказилади, сўнгра янги тактик жанговар тизим яратишни кўзда тутувчи «Скорпион» дастури доирасида армия ихтиёрига етказиб берилади. Ҳозирда гап асосан учта модель ҳақида бормоқда. Уларнинг энг кичиги – оғирлиги 3 кг.ли NERVA S иншоотнинг ички ва ташқи қисмида қўлланиши мумкин. Аппарат бир неча метр баландликдан йиқилишга чидамли, уни деразадан ичкарига отиш ёки ҳаракатланаётган автомобилдан ерга ташлаш мумкин. Аппарат тунги кўриш камераси билан жиҳозланган. У планшет, смартфон ёки компьютер орқали бошқарилиши мумкин. Ўртанча модель – NERVA LG (оғирлиги 5 кг) S варианти тавсифларидан ташқари, қўшимча иккита ғилдирак, юқори ечимли 4 та камера, микрофон ва узатгич билан жиҳозланган. Бу робот видеоманитори асосида жой харитасини чизиши мумкин. Ундан нафақат разведка, балки қўлбола портловчи моддаларни зарарсизлантириш мақсадида ҳам фойдаланиш мумкин. Энг оғир модель – NERVA XX/Cameleon-LG (оғирлиги 15 кг) турли предметларни ушлаб олиш ва суриш, жойини ўзгартириш имконини берувчи шарнирли манипулятор билан жиҳозланган. Сўнги икки модель инсон иштирокисиз фаолият олиб бориши, шу жумладан, объект периметри бўйлаб патруллик қилиши ҳамда мустақил равишда ташланган жойига қайтиб келиши мумкин.



Пўлат САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

ҚОТИЛЛИКЛАР КЎПАЙМОҚДА



АҚШда ўтган дам олиш кунлари содир этилган 400 дан ортиқ отишмада 150 киши ҳалок бўлди. Бу ҳақда мамлакатдаги зўравонлик ҳолатларини кузатиб борувчи Gun Violence Archive тадқиқот гуруҳи маълумотларига таяниб CNN хабар берди. Маълумот берилишича, 2-4 июль кунлари Нью-Йоркда юз берган 21 та отишмада 26 киши қурбон бўлган. Чикагода ўтган дам олиш кунлари 83 киши ўқотар қуролдан жароҳатланган бўлиб, 14 киши жароҳатлар оқибатида вафот этган.

НОЯДРОВИЙ ЛОЙИҲА



Хитой ҳукумати сайёрамиз учун таҳдид солувчи астероидни бартаф этиш учун коинот флотини ташкил этишини эълон қилди. SCMPнинг хабар беришича, Хитой бу мақсадда Ерга хавф соландиган астероидлар орбиталарини ўзгартириш учун «Чанчжэн-5» ракеталари негизида ўнлаб ноядровий зарбдор воситаларни ишлаб чиқади. Хитойнинг таъкидлашича, астероидлар орбитасини ўзгартириш бўйича ноядровий лойиҳани яқин 10 йил ичида яқунлаш мумкин. Хитой бу мақсадда камикадзе-кемаларга эга 23 та ракета ишлаб чиқади.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

АВИАҲАЛОКАТ ОҚИБАТИДА



Россиянинг Камчатка ўлкасида қутқарувчилар авиацияга ўқибатида самолёт қолдиқларини топишди.

Дастлабки маълумотларга кўра, йўловчилар ва экипаж аъзоларининг барчаси ҳалок бўлган.

Петропавловск-Камчатский – Палана йўналишида учган Ан-26 бортида экипаж аъзолари бўлган 6 киши ва 22 йўловчи бўлган. Йўловчилар орасида Палана посёлкаси раҳбари О. Мохирева ҳам бор эди.

УНИВЕРСАЛ ЖАНГ

ОЛТИН МЕДАЛЬ

ЧЕГАРАЧИ ПОСБОНДА

Сўнги йилларда мамлакатимиз спортчилари кўплаб нуфузли халқаро мусобақаларда иштирок этиб, давлатимиз байроғини юксакларга кўтармоқда. Кунни кеча Украинанинг Коблево шаҳрида ўтказилган универсал жанг бўйича жаҳон кубоги баҳсларида муваффақиятли қатнашган спортчиларимиз медаллар шодаси билан юртимизга қайтиб келди.



Тошкент халқаро аэропортида спортчиларни тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Уда Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ва Мудофаа вазирлиги масъул офицерлари, спорт

жамоатчилиги, ҳарбий оркестр ҳамда спортчиларнинг яқинлари жам бўлди. Тадбирда сўз олганлар юртимизда спортни ривожлантириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида



амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар хусусида тўхталиб ўтдилар.

Таъкидлаш жоизки, мазкур мусобақада дунёнинг 20 дан ортиқ мамлакатидан 500 нафарга яқин спортчи иштирок этиб, якуний натижаларга кўра, Ўзбекистон терма жамоасининг 42 нафар тажрибали ва маҳоратли спортчиси умумжамоа ҳисобида ўсмирлар ўртасида биринчи, катталар ўртасида эса иккинчи ўринни қўлга киритди.

Ғолиб ва совриндорлар орасида Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар дзюдо ва самбо бўйича спорт устаси, қўл жанги бўйича спорт усталигига номзод Муҳаммадлазиз Қаюмов ҳам бор. Марғилон шаҳрида туғилган Муҳаммадлазиз Фарғона давлат университетининг Жисмоний тарбия факультетини тамомлаган. У бир неча йиллардан буён республи-

ка ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда, юқори натижаларга эришиб келмоқда. Хусусан, 2018-2019 йилларда самбо бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида 2-ва 3-ўринларни, 2020 йилда универсал жанг бўйича Ўзбекистон кубоги баҳсларида 3-ўринни, 2021 йилда эса мазкур мусобақада фахрли 1-ўринни қўлга киритган.

Коблеводаги мусобақаларда ҳам ҳарбий спортчи 90 кг вазн тоифасида озарбайжонлик ва украиналик рақибларини енгиб, финалга йўл олди. Қизғин ва муросасиз кечган финал баҳсида молдовалик рақибдан устун келган Муҳаммадлазиз олтин медални қўлга киритиб, давлатимиз байроғини юқорига кўтарди. Унинг бундай юксак натижаларга эришиши бежиз эмас, албатта. Зеро, спорт қўшинлар жанговар тайёргарлигининг муҳим омили саналади. Универсал жанг спорт тури ҳам матонат, чидамлилик ва чаққонлик каби хислатларни такомиллаштириши билан юрт ҳимоячилари ўртасида кенг оммалашган.

Ушбу спорт тури бўйича жаҳон кубоги соҳиби бўлган контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Муҳаммадлазиз Қаюмовнинг ғалабаси алоҳида эътироф этилиб, ҳарбий спортчи Чегара қўшинлари қўмондонлиги томонидан рағбатлантирилди. Албатта, бу каби тадбирлар спортчиларимизни янада руҳлантириб, янги-янги зафарлар сари ундайверади.



Капитан Фарида БОБОЖОНОВА, ДХХ Чегара қўшинлари матбуот хизмати

МАЖБУРАН ЭМЛАШ БОШЛАНДИ



Туркменистон ҳукумати 18 ёшдан катта аҳолисини коронавирусга қарши мажбуран эмлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу ҳақда «Нейтральный Туркменистан» газетасига таяниб ТАСС хабар берди. Туркменистон собиқ Иттифоқ ҳудудидаги бирорта ҳам коронавирус юқтириш ҳолати қайд этилмаган ягона давлат бўлиб турибди.

Пандемия бошланганидан буён республика ҳукумати мамлакатга кириш ва халқаро авиақатновларга қатъий чекловлар ва ниқоб тақиш режимини жорий этган. Шу билан бирга, оммавий тадбирлар ўтказишга ҳеч қандай тақиқ қўйилмаган.

НОЗИК ҲАРБИЙ ВАЗИЯТ



«Толибон» ҳаракати кучларининг мустақамланиши фониди Афғонистондаги уруш ҳал қилувчи паллага кирди. «Газета.ру» хабарига кўра, бу ҳақда мамлакат мудофаа вазири Бисмилло Хон Муҳаммадий маълум қилди. «Афғонистонда уруш авжига чиққанини ва мамлакатдаги ҳарбий вазият ўта нозик эканлигини эътироф этамиз», – деди у.

Вазирнинг сўзларига кўра, миллий хавфсизлик кучлари маҳаллий қаршилик ҳаракатларининг қўллаб-қувватлаши ёрдамида аҳолини ҳимоя қилиш учун бор кучини ишга солиди.

ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ



«Авиапорт» хабарига кўра, Россиянинг Тожикистондаги ҳарбий базасига қарашли жанговар ва транспорт вертолётлари Афғонистондаги вазият кескинлашиши фониди ракета зарбалари бериш машғулотларини ўтказди. Ўқув машғулотларида иккита Ми-24 ва иккита Ми-8МТВ5-1 вертолётлари, юзга яқин ҳарбийлар қатнашган.

«Авиация зарбаси натижасида автомобиллар колоннаси, қурол-яроғ омборлари сингари 15 дан ортиқ ер усти нишони йўқ қилинди», дейилади марказий ҳарбий округ хабарига.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

МУДОФААГА КЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА

РЕКЛАМА УРНИДА

ҲАМКОРЛИКДАГИ ХАЙРЛИ ИШЛАР

Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкilotи Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши тасарруфидаги Тўрткўл тумани ўқув-спорт техника клуби (ЎСТК) томонидан ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлод маънавиятини юксалтириш борасида муайян натижаларга эришиляпти.


– Ўқув-спорт техника клуби жамоаси туманимиздаги давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда маънавий йўналиш ва ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси бўйича изчил тарғибот олиб бормоқда, – дейди ЎСТК бошлиғи Хайрулла Нуриев. – Чунки ёш авлоднинг маънан баркамол шахс сифатида шаклланишига кўмаклашиш ташкилотимизнинг муҳим вазифаларидан.

Тумандаги овул фуқаролар йиғинларида «Ким Ватанга содиқ бўлса, мендирман ўша!», «Ватан – муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!», «Мардлар қўриқлайди Ватанни» каби қатор мавзуларда учрашув ва давра суҳбатлари ўтказиб келинади.

Бундан ташқари, Тўрткўл тумани ўқув-спорт техника клуби томонидан қатор соҳа вакиллари билан ҳамкорликда хайрли ишларга қўл урилди. Жумладан, мактаб ўқувчиларининг ёзги таътил даврида пиёда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, ўқувчиларга йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиб бориш, шунингдек, тарғибот ишлари самарадорлигини ошириш, болалар иштирокида содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида ёзги оромгоҳларда турли тадбирлар ташкил этиш йўлга қўйилди. Яқинда тумандаги «Шуроҳон» овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Лочин» болалар оромгоҳида «Йўл қоидаси – умр фойдаси» шиори остида интеллектуал ўйин ташкил этилди. Тадбирда ҳаракат хавфсизлигини тарғиб қилувчи расмлар, ёш автонazorатчилар гуруҳларининг чиқишлари намойиш этилди. Бу орқали ўқувчилар кўча ва чорраҳаларда тўғри ҳаракатланиш қоидалари билан яна бир бор танишиш имкониятига эга бўлди. Мусобақа якунида ғолибликни қўлга киритган фаол ўқувчилар ташкилотчилар томонидан рағбатлантирилди.



Тўрткўл тумани ЎСТК жамоаси туманда истиқомат қилаётган барча ёшларни «В», «ВС» тоифали ҳайдовчилик курсларига, шунингдек, спортнинг техник ва амалий турлари бўйича: «Ҳаво милтиғидан ўқ отиш» ва «Авиамодель» тўгаракларида шуғулланишга таклиф этади.



Энг муҳими, бундай тадбирлар болалар иштирокида содир этилиши мумкин бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга, ҳисса қўшиши шубҳасиздир.

Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида клуб жамоаси ҳайдовчилар тайёрлаш борасида ҳам яхши натижаларни қўлга киритди. Бунга кўра, 500 нафарга яқин «В», «ВС» тоифали ҳайдовчи тайёрланди.

Шунингдек, ёшлар ўртасида спортнинг техник ва амалий турларини оммалаштириш ҳам ташкилот фаолиятининг муҳим бўғини ҳисобланади. Айни пайтда фаолият кўрсатаётган ҳаво милтиғидан ўқ отиш, авиамодель каби секцияларда 60 нафардан зиёд ёшлар мунтазам шуғулланмоқда. Клуб аъзолари турли мусобақаларда иштирок этиб, совринли ўринларни эгалламоқда. Масалан, Амударё туманида ҳаво милтиғидан ўқ отиш бўйича ўтказилган Қорақалпоғистон Республикаси мусобақасида тўрткўллик спортчи ёшлар фахрли 2-ўринни эгаллашди.

Айни пайтда бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда ёшларни меҳнат бозоридан талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш борасида ЎСТКда бир қанча амалий ишлар бажарилмоқда. Тумандаги «Ёшлар дафтари» рўйхатига киритилган 50 нафар ёшларни ўз ичига олган ўқувчилар гуруҳлари шакллантирилиб, улар билан ҳайдовчилик курсларида дарс машғулоти олиб борилмоқда.

Машғулотларни олиб боришда тажрибали ўқитувчи ва амалий бошқаришни ўргатувчи-усталар ўз касб маҳоратларини бўлажак ҳайдовчиларга моҳирлик билан ўргатмоқда. Муҳими, ёшлар орасида келгусида тажрибали ҳайдовчилар етишиб чиқиши учун барча имкониятлар ишга солинган.

Акбар АЛЛАМУРОДОВ

Тўрткўл шаҳри Ш. Рашидов кўчаси 57-уй,
«Ватанпарвар» ташкilotи ўқув биноси.

97 358-58-00, 61 532-21-52.

Хизматлар лицензияланган.

BOLA JOY



TEZ AYTISHLAR

Hasan Husanga hamdam,
Husan Hasanga hamdam.

Yomg'ir yaxshi,
Yozda yog'sa yanayam yaxshi.

Polizdagi palak
pomidorning palagi,
Palakning panasidagi
palak piyozning palagi.

Kishmish qishda pishmash,
Pishsa kishmish qishmash.

Quyuncha quyoshga
quvonib qaradi.



NIMA TOTLI?

Kunlardan bir kun hayvonlar taomlar haqida uzoq bahslashdilar.

Birinchi bo'lib ola sigir kavshanib gap boshlabdi:

Eh, ko'k pichan, sara yemga nima yetsin, dunyoda shulardan ham mazali taom bormikan-a? – debdi.

Qo'y ketma-ket ma'rab:

– Ha, ha, yem, pichan yaxshi, ko'm-ko'k barra o't bo'lsa yomon bo'lmasdi, ishtaha ochilardi-da, – debdi.

Shunda qashqa ot qattiq kishnab:

– Arpa, sulii totli emasmi? Kusur-kusur chaynasang, maza qilasan, – debdi.

– Kechirasizlar-u, sizlar topa olmadinglar, eng totlisi sut va go'sht, – debdi mushukcha miyovlab.

Burchakda olapar it yotardi.

– Vov, vov, sen mushuk ko'p mahmadona bo'lma, nima totli ekanini men bilaman, bu – suyak, ko'mikli suyakdan mazalisi bormi? – debdi.

Bolalar, ayting-chi, agar shu suhbatda tuya ishtirok etsa, nimani maqtar edi?



U. ULUG'BEKOVA



10 TA

FARQNI

TOPING!



TENG DOSH LARINGIZ

IJODIDAN



Charosxon YUSUPJONOVA,
Toshkent shahri,
M. Ulug'bek tumani,
241-umumta'lim maktabi
4-«b» sinf o'quvchisi

MATEMATIKA OLAMI

$$\begin{aligned}
 & \text{bee} + \text{bee} + \text{bee} - \text{bee} = 20 \\
 & \text{butterfly} + \text{butterfly} + \text{butterfly} = 90 \\
 & \text{grasshopper} + \text{grasshopper} = 40 \\
 & \text{butterfly} - \text{bee} - \text{grasshopper} = ?
 \end{aligned}$$

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

ДИККАТ, ТОНЛОВ!

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Маданият вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги ҳамда Бадий академия мамлакатимиз мустақиллигининг ўттиз йиллигига бағишланган «Энг улуғ, энг азиз» республика танловини эълон қилади.

Танловга «Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!» деган бош ғояни ўзида мужассам этган асарлар – материаллар қабул қилинади.

«Энг улуғ, энг азиз»

танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари;
- босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
- телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;

- интернет-журналистика;
- тасвирий санъат, фото асарлар ва дизайн ишлари;
- кино санъати асарлари.

Тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот (объективка);

- муаллифнинг паспорт нусхаси;

- иш жойидан тавсиянома;

- муаллифнинг манзили ва боғлашни телефонлари.

Танловга **2020 йилнинг 1 августидан 2021 йилнинг 1 августигача** бўлган даврда эълон қилинган материаллар – асарлар жорий йилнинг 1 августигача қабул қилинади.

Ғолиблар Ватанимиз мустақиллигининг



Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

ўттиз йиллик байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар «Энг улуғ, энг азиз» танловига деб кўрсатилган ҳолда ўз ижодий йўналишлари бўйича қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, 100011. Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Тел.: 71-244-64-61.

Ўзбекистон «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, 100011. Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Тел.: 71-244-11-64.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, 100066, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, Адиллар хиёбони. Тел.: 71-231-83-49.

Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги, 100115, Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 1-«А» уй. Тел.: 71-277-81-49.

БИР ЧИМДИМ

ДОРИ КАСАЛЛИККА
ҚАРАГАНДА
СЕКИНРОҚ ТАЪСИР
ҚИЛАДИ.

ТАЎТИТ

БИЛАСИЗМИ?

Ер қутбларидаги тортишиш кучи экваторга қараганда катта. Шимолий қутбда вазни 150 фунт (68,4 килограмм) бўлган одам оғирлиги экваторда 400 граммга камаяди.



Ер сайёрасидаги тоза сувнинг олтмиш саккиз фоизидан ортиғи музликлар, қор қоплами ва абадий музликлардан иборат.



Ернинг энг юксак нуқтаси Эверест тоғи (денгиз сатҳидан саккиз минг саккиз юз қирқ саккиз метр баланд). Энг чуқур жойи эса Мариана чуқурлиги бўлиб, денгиз сатҳидан 10,994 метр паст.



Ердаги энг қуруқ жой – Чилидаги Атакама чўли. У ерда бир неча ўн йилликларда бир марта ёмғир ёғади.



ШУ СОННИНГ
ЭЛЕКТРОН
ШАКЛИ

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

Парашютда
сакраш тайёргарлиги

VATANPARVAR

Муассис:



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МУДОҒАА
ВАЗИРЛИГИ

www.mudofaa.uz

Бош муҳаррир:

майор
Аҳрор Очиллов

Навбатчи:

лейтенант
Дилшод Рўзиқулов

Саҳифаловчилар:

Бегали Эшонқулов
Нодирабегим Валиева
Дилноза Меликузиева

Мусахҳихлар:

Сайёра Мелиқўзиева
Зебо Сариева
Мастура Қурбонова

Телефонлар:

котибият: (71) 260-36-50
бухгалтерия: (71) 260-35-20
юримлик бўлими: (71) 269-88-91
факс: (71) 260-32-29

ISSN 2010-5541

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Мудоғаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти – «Ватанпарвар» Бирлашган таҳририятнинг компьютер марказида саҳифаланди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.

Буюртма: г-207.

Ҳажми: 6 босма табоқ.

Бичими: А3.

Адади: 30 073 нусха.

Босишга топшириш вақти:

14:00.

Топширилди: 14:30.

Газета жума куни чиқади. Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Нашр кўрсаткичи: 114. Баҳоси: келишилган нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

123456

Манзилимиз:

100164, Тошкент,
Университет кўчаси, 1-уй.